Тошкент ҳақиқати

Рўзнома 1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

№ 82 (10.331).

1992 йил 21 май пайшанба

Баҳоси 1 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

ВИЛОЯТДА ЮЗ БЕРГАН ТАБИИЙ ОФАТНИ ТУГАТИШ, ЗАРАР КЎРГАНЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШГА ҲАММА САФАРБАР

• Вилоят ҳокимлигида

ТАБИИЙ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Илгари хабар қилинганидек, 15-17 май кунлари ёққан кучли ёмғир натижасида Паркент, Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод районлари ва Янгиобод шаҳри хўжаликлари, корхоналари, ташкилот ва муассасаларига жиддий зарар етди. Турар-жойлар ва хўжалик қурилишлари, чорвачилик иншоотлари, кўприклар, автомобиль йўллари, гидротехник иншоотлар, электр узатиш, алоқа симлари ва бошқа объектлар бузилди ҳамда ишдан чиқди. Чорвачилик ва деҳқончиликка жиддий зарар етказилди.

Бундай ҳолатларда илгари кўп марта бўлганидек, вилоятнинг кўпчилик меҳнат жамоалари табиий офат оқибатларини тугатишга қарор қилдилар, бунинг учун пул маблағлари, қурилиш материаллари, транспорт ажратмоқдалар. Вилоят шаҳар ва район ҳокимлари кенгашида вилоят ҳашари ўтказиш таклиф қилинди. Тошкент вилоят ҳокимининг махсус қарори билан бу таклиф қўллаб-қувватланди. **Шикастланган объектларни тезроқ тиклаш, табиий офатдан зарар кўрган аҳоли ҳаётини нормал изга солиш учун вилоят шаҳар ва районларида, саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, колхоз ва совхозлар, муассасалар ва идоралар, ўқув юртлари жамоаларида ШУ ИИЛ 23 МАЙДА ҲАШАР ЎТКАЗИШГА ҚАРОР ҚИЛИНДИ. Ҳашарни тайёрлаш ва ўтказиш вилоят штаби тузилди.**

* * *

Шу йилнинг 17 майи куни шаҳар ва ноҳиялар ҳокимлари билан шошилинч йиғилиш ўтказилди. Ана шу йиғилишда шу кунларда табиий офат оқибатлари туфайли юз берган оғир вазият чуқур таҳлил қилинди.

Ҳар бир ноҳия ва шаҳар ҳокимлиги олдига, вилоятга тегишли ташкилотлар, саноат корхоналари, турли ташкилот ва муассасалар олдига аниқ ва равшан вазифалар қўйилди. Жумладан, сел ва тошқин туфайли уй-жойлари шикастланган оилаларга дарҳол зарур ёрдам кўрсатиш, уйларини тиклаш, таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Бунинг учун керакли қурилиш материаллари билан таъминлаш тадбирлари белгиланди. 23 май куни вилоят ҳашаридан тушадиган маблағларни табиий офатдан зарар кўрган барча ноҳияларга беришга қарор қилинди. Йиғилишда худди ана шу масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган барча ташкилий ишларни амалга ошириш тадбирлари белгилаб олинди.

Табиий офат оқибатларини тугатиш вилоят жамғармаси ташкил қилинганлигини яна эслатиб ўтамиз: вилоят счетининг рақами — 000709302, Тошкент вилоят Давлат банки бошқаруви қошидаги ҳисобот маркази, код № 172723104.

23 май—оммавий ҳашар куни

БИЗ СИЗГА МАДАДКОРМИЗ

ШУ ИИЛ 23 майи куни вилоят ҳокимлиги қарори билан ўтказилаётган оммавий ҳашарга барча шаҳар ва районларда тайёргарлик бормоқда. Махсус мухбирларимиз бир неча ноҳияларнинг ҳокимликлари билан боғланиб, бу муҳим тадбирни ўтказиш юзасидан кўрилаётган ҳозирликка оид қатор маълумотларни олдилар.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ

● ШАҲАР корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, муассасалар жамоалари юз берган табиий офат келтирган зарарни қоплашга иложи борича кўпроқ моддий ёрдам кўрсатиш имкониятларини қидириб топишяпти. Энг йирик корхона — кон-металлургия комбинати жамоасининг ҳиммати таҳсинга сазовордир. Металлурглар табиий офат оқибатларини тугатиш жамғармасига 15 миллион сўм пул ўтказадилар. Химия заводи ишчилари ҳам умумхалқ ҳашари ўтказиш ҳақидаги ташаббусни тўла маъқулладилар. Уларнинг бу жамғармага қўшадиган ҳиссалари 12 миллион сўмдан кам бўлмайди.

Бошқа барча корхоналар, ташкилотлар, бюджет муассасалари ишчи-хизматчилари ҳам бир кунлик иш ҳақларини табиий офатдан зарар кўрганларга ёрдам учун беришга қарор қилдилар.

ЗАНГИОТА

ЎТГАН куни бўлиб ўтган хўжаликлар, корхона, ташкилотлар вакилларининг йиғилишида табиий офатдан зарар кўрганларга баҳоли-қудрат ёрдам кўрсатиш ҳақида келишиб олинди. Фақат шанбаликнинг ўзидан тушиши мўлжалланган 400 минг сўм ўша жамғармага ўтказилади. Бундан ташқари хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар ҳам ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пул ўтказа бошладилар. Ҳозиргача, масалан, «Наврўз» жамоа хўжалиги 50 минг сўм, «Эркин» хўжалиги 35 минг сўм пул ўтказди.

ЧИНОЗ

● РАЙОН ҳокими Усмон Умаровнинг маълум қилишича, ўтган куни ҳокимлик фармойиш чиқарди. Ана шу фармойишга кўра барча колхоз ва совхозлар, ташкилотлар, корхоналар вилоят табиий офатдан зарар кўрганлар жамғармасига ёрдам пули ўтказадиган бўлдилар.

Кечадан бошлаб ана шу жамғарма ҳисобига район ишчи ва деҳқонлари меҳнат қила бошладилар. Олди хўжаликлар 30 минг сўм, колганлар 20 ва 15 минг сўмдан пул ажратишяпти.

ТОШКЕНТ РАЙОНИ

● ТЕЛЕФОНДА ноҳия ҳокими Рустам ака АКБАРОВ:

— Саволингизга тушундим... Аввало, шуни айтиш керакки, ҳеч бир кишининг, ҳеч бир хонадоннинг бошига оғир кун тушмасин. Башарти, табиий офат туфайли вилоятимиздаги баъзи бир хўжаликлар, айрим оилалар талафот кўрибдими, дарҳол бир жон, бир тан бўлиб, ёрдамга отланиш — у мутахассисми, ишчими, деҳқони, механизаторми, шифокорми, раҳбарми, ундан қатъий назар — ҳар бир виждонли инсоннинг бурчидир. Зотан мушкул кунда суянчиқ бўлмоқ — буюк савоб.

Биз 23 май — вилоят ҳашар кунини кутмасдан, дарҳол район ҳашарини бошлаб юбордик, озиқ-овқат маҳсулотлари ва баҳоли-қудрат бериладиган пулларни йиғишга киришдик. Зеро, ҳар соат, ҳар кун ғанимат.

Ҳозиргача биз ноҳия бўйича 2 миллион сўмга яқин пул йиғиб, белгиланган жамғарма ҳисобига ўтказдик. Навоий номли, Ғулломмаҳмуд Абдуллаев номли, Муҳаммаджон Фозилов, Охунбобоев номидаги жамоа хўжаликлари тахминан 5—7 тонна ҳажмида ғалла, сабзавот ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари йиғиб беришга аҳд қилдилар. Райондаги барча хўжаликлар, саноат корхоналари, кооперативлар, ташкилотлар, муассасалар ҳам умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этмоқдалар.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ

● ЯНГИЙЎЛ шаҳрининг ишчи-хизматчилари вилоятимизнинг айрим районларида бўлиб ўтган табиий офат оқибатларини тугатиш, моддий зарарларни қоплаш бўйича вилоят счётига маблағ ўтказмоқдалар. Жумладан, шу кунгача «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ушбу ҳисобга 100 минг сўм, мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси 100 минг сўм, «Биохимия» заводи 50 минг сўм миқдорида маблағ ўтказишди.

Ушбу ҳисобга Янгийўл шаҳри ҳудудидаги маҳалла қўмиталаридан ҳам маблағ келиб тушмоқда. Масалан, «Саида» маҳалласида истиқомат қилувчилар минг сўм пул йиғиб топширишди.

Бундан ташқари янгийўлликлар 23 майда ўтказиладиган шанбаликда фаол иштирок этишга аҳд қилдилар. Шу куни ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи ёрдам жамғармасига ўтказилади.

• Воқеа содир бўлган жойда

НАВБАТДАГИ ИМТИҲОН

ИЛГАРИЛАРИ ҳам хизмат тақозоси билан Алимкент қўрғонида бўлганимда ҳар сафар бу ердаги осуда ҳаёт кишини ўзига тортарди. Лекин бу сафар бундай хотиржамликни кўрмадим. Кишилар қаергадир шошилишар, чеҳралар жиддийлашган.

Бунинг боиси бор, 15 май куни ёққан кучли сел бу ердагиларга жуда катта ташвиш келтирди. Натижада 37 оила истиқомат қиладиган уй қаттиқ шикастланди. Шундан 15 тасини қайтадан қуришга тўғри келади. Қўрғондаги Навоий ҳамда Вотинцев номли кўчалардаги ирригация шахобчалари яроқсиз ҳолга келди. Алимкент

— Бўка йўлидаги кўприк ҳам ишдан чиқди. 60 ўринли шифохона биноси ҳам зарарланди. Алимкент қўрғони ёнбошидаги «Ленинобод» жамоа хўжалигининг «Қўнғирот» участкасини ҳам сув босди. Шу ердаги хашак бостириладиган ўралар ҳам сел остида қолди.

— Мен Вотинцев кўчасидаги 69-уйда истиқомат қиламан,— дейди Раимжон Чолдибоев,— онлада тўрт кишимиз. Табиий офат бизнинг хонадонимизга ҳам катта зарар келтирди. Иморатимизнинг ярми қулаб тушди. Сел кундузи бўлиб ўтгани учун ҳам жонимиз омон қолди. Мана, бугун бизга вагон—уй беришди. Оиламиз билан ўша ерда вақтинча яшаб турамиз. Қурувчилар эса янги уй қуриб беришмоқчи.

Ўт балосидан, сув балосидан ўзинг асра, деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Ўша куни сел келиши ўзининг бутун даҳшатларини кишилар кўз ўнгида намоён этди. Лекин воқеа содир бўлганини эшитибоқ вилоятимиз раҳбарлари ҳоким С. Сайдалиев бошчилигида Алимкент қўрғонига келишди. Айни пайтда табиий офатни бартараф қилишнинг барча чоралари кўрилмоқда. Селдан иморатлари қаттиқ зарарланган аҳолининг илтимосига кўра уларнинг ўзлари яшаб келган ҳовлиларига янги уй қуриб берилади. Айни пайтда уларнинг ҳаммаси хавфсиз жойларга кўчирилган.

Айниқса, табиий офат юз бергандан сўнг Оққўрғон район йўл-ремонт қурилиш бошқармаси, 7-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари, райондаги 16-қурилиш ташкилоти табиий офатни бартараф этишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Ўт ўчириш ходимлари эса хонадонларда тўпланиб қолган сувларни тортиб чиқаришяпти.

Биз Алимкентни айланиб, воқеалар билан танишаётганимизда оқ халатли шифокорларни ҳам учратдик.

— Шу кунгача 231 хонадонни, магазинларни, шифохона, қабристон атрофларини ва бошқа жойларни дорилаб чиқдик,— дейди Тошкент вилояти хўжалик ҳисобидаги профилактик дезинфекция станциясининг бош врачи Толибжон Собиров.— Мақсадимиз турли касалликлар, шу жумладан сариқ ҳамда ўткир ичак касалликлари тарқалишига йўл қўймасликдир. Чунки сув тошқини натижасида бундай вирусларнинг тарқалишига қулай имконият туғилган.

Фожиа юз берган куниёқ Оққўрғон районида табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун комиссия тузилган эди. Унинг раиси, район ҳокимининг биринчи муовини Абдусамад Сафаевнинг қабулида ҳам одамлар тирбанд. Биз комиссия раисини вақтдан фойдаланиб суҳбатга тортдик.

— Табиий офат юз берганини ўша куни эшитдим. Кечқурун соат еттиларда менга қўнғироқ қилиб, «Гулистон» жамоа хўжалигининг фермаси ёнига сув тўпланаётганлиги ҳақида хабар беришди. Вазият ниҳоятда жиддий эди. Ўша пайтнинг ўзидаёқ биз хўжаликларнинг раҳбарларига хабар бериб, хавфдан огоҳлантирдик. Оққўрғон автокорхонасининг раҳбарлари бизга автобуслар етказиб беришди. Бир соат ичида кишиларни хавфли жойлардан олиб чиқдик. Шундан кейин зарар кўрган уйлар атрофига постлар қўйдик. «Мол аччиғи жон аччиғи», дейди халқимиз. Ахир кимдир уйига келиб, қулай деб турган бинодан нарсаларини олиб чиқиб кетишга уриниши мумкин эди. Бахтимизга бу ҳол бўлмади. Қурбонлар йўқ. Шу куни соат 22 ларда барча аҳоли хавфсиз жойга олиб чиқиб бўлинди.

— **Райондаги қанча экин майдони табиий офатдан зарар кўрди?**

— Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 8 минг 45 гектар пахта, 916 гектар буғдой, жами 12 минг 639 гектар экин майдонлари зарарланди. «Қаҳрамон», «Гулистон», «Маданият», «Озод» жамоа хўжаликларига, айниқса, жиддий зиён етди.

— **Жиддий талофот кўрилган жойдаги аҳолига қандай қулайликлар яратилди?**

— Бу ердаги оилаларга район умумий овқатланиш тармоқлари томонидан икки маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. Савдо хизматини ҳам ўша жойнинг ўзида уюштиряпмиз. Биз район ҳокимлигида маслаҳатлашиб, шу кишиларга ёрдам бериш мақсадида 15 минг сўм маблағ ажратдик. Бунга озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиниб, аҳолига бепул тарқатилади. Шу кунлар ичида турли ташкилотлардан келган мутахассислар— қурувчилар, электр энергияси таъминотчилари ишни бошлаб юборадилар.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, табиий офат натижаси бундан ҳам аянчлироқ бўлиши мумкин эди. Лекин районимиз фаоллари, аҳоли бир жон, бир тан бўлиб, дам олиш нималигини билмасдан табиий офатга қарши курашди. Бунинг учун уларнинг ҳаммаларига районимиз ҳокимлиги номидан катта миннатдорчилик билдирамиз.

Мен Алимкентдан қайтаяпману, кўз олдимдан қулаб тушган уйлар ва уерда табиий офатни бартараф этиш учун меҳнат қилаётган кишилар кетмасди. Назаримда кўпинча табиат мана шундай йўл тутиб, гўё бизнинг ҳамжиҳатлигимизни яна бир бор текшириб кўраётгандек туюлади менга. Лекин биз бундан хулоса чиқариб, баҳамжиҳатликни янада кучайтирсак, унутилган қадриятларимизни тиклаб, оғир пайтларда бир-биримизни қўллаб-қувватласак табиий офатга қарши тура олишимиз мумкин. Шундай бўлишига шак-шубҳа йўқ. Ҳозир вилоят ҳокимлигининг, барча фаолларнинг, қолаверса бутун вилоят аҳлининг фикри-зикри, мақсади бир: вилоятимизнинг турли жойларида рўй берган табиий офат оқибатларини тугатиш учун умумхалқ сафарбарлиги эълон қилинди. Ҳеч ким ундан четда турмаслиги зарур.

Н. РАФИҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

(Паркентдаги табиий офат оқибатлари ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида махсус мухбиримизнинг мақоласи рўзноманинг иккинчи саҳифасида босилмоқда).







СУРАТЛАРДА: Алимкентда сув тошқинидан зарар кўрган хонадонлар ва дастлабки ёрдам.

Суратлар В. ХАРИТОНОВ.



ТОШКЕНТ — ҚАЙСАРИ: БИРОДАРЛАШГАН ВИЛОЯТЛАР

ЯХШИ КУНЛАРГА УМИДВОРЛИК

Тошкент вилояти ҳокими С. Д. Сайдалиев Туркияга сафар қилган пайтида бу мамлакатнинг Қайсари ва бизнинг вилоятлар ўртасида биродарлашиш алоқалари ўрнатишга келишганлиги ҳақида илгари хабар берган эдик.

Куни кеча Тошкентга қондош ва қардош давлатнинг ўша Қайсари вилоятидан ишбилармонлар келишди. Турли корхоналар раҳбар ва мутахассисларидан иборат бу меҳмонлар делегациясига Қайсари вилояти ишбилармонлар уюшмасининг президенти Мустафо Чафар бошчилик қилмоқда.

Туркиялик ишбилармонлар Бекобод шаҳри, Янгийўл, Бўстонлиқ, Оққўрғон, Зангиота ва бошқа районларда бўлиб, қўшма корхоналар ташкил этиш, Туркия ишбилармонларининг бой тажрибасини баҳам кўриш масалалари хусусида ўзаро фикр алмашдилар.

Қайсарилик меҳмонлар вилоят ҳокимлигида қабул қилиндилар. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Н. Маҳмудова, турк ишбилармонларига иқтисодиётимизни танг аҳволдан олиб чиқиш учун амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида гапириб берди. Бу ишда турк дўстларимиз ёрдамининг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг Туркияга расмий ташрифи ҳамда Туркия бош вазири Сулаймон Демирэлнинг республикамизга келиши ҳар икки мамлакат ўртасида амалий алоқаларни ҳар тарафлама кенгайтириш учун кенг имкониятлар яратиб берганлиги алоҳида таъкидланди. Қайсари вилояти ишбилармонларининг Тошкентга ташрифи бу ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганлигининг ёрқин далолатидир.

Биз Қайсари вилояти ишбилармонлар уюшмасининг президенти Мустафо Чафардан ушбу сафар таассуротлари ва биродарлашган вилоятлар ўртасида амалий ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Энг аввало вилоятимиз ишбилармонлар уюшмаси ҳақида икки оғиз сўз,— деди у.— Уюшмамизга 600 корхона уюшган. Улар ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатишади. Биз вилоятингизда бўлган пайтда ҳамкорлик қилиш учун имкониятлар каталигига ўзимиз тўла ишонч ҳосил қилдик. Дастлабки таассуротларимизга кўра, бизнинг ишбилармонлар билан сизлар ўртасида металлга ишлов бериш, мебель ишлаб чиқариш, автомашиналар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш соҳасида қўшма корхоналар тузиш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд экан. Ишбилармонларимизни Газалкент мармар заводи имкониятлари ҳам жуда қизиқтирди.

Умуман олганда Тошкент вилояти бойликлари бу ерда ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларини жадал ривожлантириш учун катта имкониятлар беради. Бизнинг корхоналардаги мулоқотларимиз сизда юқори малакали мутахассислар жуда кўплигидан далолат берди. Халқингиз эса ўта меҳнатсеварлиги билан машҳур. Ана шу бойликлардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияни жорий этиш сизлардаги вақтинчалик қийинчиликдан тез вақтда чиқиш имконини беради. Турк ишбилармонлари бу масалада сизларга ҳар тарафлама ёрдам беришга тайёр.

Бизларни халқингизнинг ўта меҳмоннавозлиги ҳам ғоят мамнун этди. Қайси жойга бормайлик энг азиз меҳмонлардек эъзозлаб кутиб олишди. Бундай қалби очиқ меҳнатсевар халқнинг баракаси бутун бўлишига ишончимиз комил. Сизлар билан бирга ана шу яхши кунлар тезроқ келишидан умидворсиз.

А. НОСИРОВА.

Суратда: Қайсари вилояти ишбилармонлари.

ВОҚЕА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДА

ОФАТГА БАРДОШ БЕРИБ

Паркентликлар табиат инжиқлигини энди кўраётганлари йўқ. Яқиндагина 2 май куни ёққан қор ва қаттиқ совуқ туфайли қанчадан-қанча боғ-роғлар, яъни 60 фоизга яқин узумзорлар ва мевазорларни совуқ олган эди. Тирикчилиги асосан боғдорчилик ва узумчилик бўлган Паркент аҳолиси бу табиий офатдан ўзини ўнглаб ҳам олмаган эдики, обҳаво яна бир инжиқлик қилди. Ўтган шанба куни ёққан тинимсиз ёмғир ва сел Паркентнинг бир қатор қишлоқларидаги хонадонлар ва боғ-роғлар, узумзорларни ювиб кетиб, катта шикаст келтирди. Айниқса, Чанги, Шахак қишлоқлари, Паркент шаҳрининг «Шўроб», Қуруқсой массивлари, Ўчоқ, Тамбалак маҳаллалари, «Бўстон» совхозининг Қирғизовул қўрғонларида талофат жиддий бўлди. Жами 357 хонадонни сув босиб, шундан 51 таси умуман яроқсиз ҳолга келди. Қишлоқларни бир-бирлари билан боғлайдиган бешта кўприк, ички қишлоқ йўлларини сув ювиб кетди. Ўша куни водопровод, газ қувурлари ишдан чиқди, алоқа узилди. Талайгина чорва моллари нобуд бўлди.

Офат содир бўлган кунининг эртасига эрта билан вилоят ҳокими С. Сайдалиев паркентликлар ҳузурига етиб келди. Зудлик билан район фаолларини йиғиб, рўй берган табиий офат оқибатлари ва уларни тугатиб, ҳаётни ўз маромига солиб юбориш борасида йўл-йўриқлар кўрсатди, вилоят ҳокимлиги томонидан барча зарур ёрдам кўрсатилишини таъкидлади.

Табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан тузилган район штаби аъзолари ҳам зудлик билан ишга киришдилар. Зарар кўрган тўрт зона бўйича тўрт гуруҳ тузилиб, улар шошилинч масалаларни ҳал этмоқдалар, қилинган ишлар юзасидан район ҳокими Э. Рўзматов бош бўлган штабга ахборот бериб турибдилар. Шу куниёқ талофат кўрган хўжаликларга сув чиқариб ташловчи машиналар, ёнилғи ва бошқа техника воситалари етказиб берилди. Бошпанасиз қолган оилалар қариндош-уруғларининкига, қўни-қўшниларинкига кўчирилди. Зарар кўрган оилаларга бир қопдан ун, гуруч, ёғ, шакар тарқатилди.

Халқимизда «Дўст бошга иш тушганда синалади», — деган мақол бор. Бу бежиз эмас, албатта. Ана шундай оғир дамларда райондаги деярли барча хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар, вилоятдаги бир қатор шаҳар ва район ҳокимликлари ёрдамга тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Шунинг учун ҳам зарар кўрган ҳар бир хонадонга райондаги бирор хўжаликнинг бита бригадасини бириктириб қўйиш мўлжалланмоқда. Ана шунда бу бригада шикастланган оилага зарарни қоплаш, уйни тиклаб олишда кўмак бера олади. Район бўрдоқичилик хўжалиги директори Очил Маҳмудов яқинда сел ювиб кетган кўприк ўрнига янги кўприк ва ички йўлларни қуришни ўз зиммасига олди. Шунингдек, хўжалик ҳисобидан бошпанасиз қолган 7 та хонадонга 1,5 минг сўмдан пул ажратилди.

Бир районда бўлганимизда район ҳокими қурилиш ишлари бўйича муовини Аъзам Рўзитоев, вилоят архитектура бошқармаси бошлиғи муовини Виктор Зайцев билан хонадонларга етказилган зиённи аниқлаш учун «Шўроб» массивига жўнай деб туришган экан. Биз ҳам улар билан бирга табиий офатдан жиддий зарар кўрган бир неча хонадонларда бўлиб, уларнинг эгалари билан суҳбатлашдик.

— Бу жойдан ер участкаси олганимизга 3—4 йил бўлди,— дейди Мирсодир Мирзукуров.— Ўтган йили иморатни кўтариб кўчиб кирган эдик. Мана, аҳволни кўриб турибсиз.

Манзара эса ҳақиқатан ачинарли. Ботқоқ бўлиб ётган, бир дона чўп ҳам қолмаган саккиз сотих атрофидаги майдон кўм-кўк боғ бўлганини кўз олдингга келтиролмайсан ҳам. Сув иморат ертўлаларигача кириб, у ерда бор нарсани, қурилиш материалларини оқизиб кетган.

— 15 банка бўёқ, 50 та тунука тахлаб қўйган эдим, — дейди Мирсодир —Улардан ҳам, ошхонамиздан ҳам ном-нишон қолмабди. Ҳа, бош омон бўлса дўппи топилади. Энг муҳими ўзимизга, оиламиз, бола-чақамизга зарар етмади-ку, шунисига шукур.

Мирсодир Мирзукуров Паркент тикувчилик фабрикасида механик, рафиқаси эса шу фабрикада тикувчи экан. Корхона директори улар, шунингдек, селдан зарар кўрган бошқа ишчилари хонадонларида бўлиб, зарур ёрдам беражагини билдирибди. Шу куни фабрикадан келган бир гуруҳ йигитлар Мирзукуровлар оиласида ҳашарда бўлиб, ҳосил бўлган тўсиқларни, сел оқизиб келган тош ва дарахтларни олиб ташлаётган эдилар.

Биз районда бўлганимизда Тошкент вилоятининг бир гуруҳ вакиллари билан ҳам учрашиб қолдик.

— Ўтган шанба куни бўлган табиий офат Бекобод, Паркент, Оққўрғон районларига анча жиддий зарар етказди, — дейишди масъул ходимлар. — Кеча Бекободда бўлгандик, бугун эса Паркентда офат келтирган оқибатларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Айниқса Чанги қишлоғининг Шахак участкаси аҳлига катта зиён етган. Аҳолига ёрдам уюштирилмоқда.

Биз бир қатор оилаларда бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Айниқса, Чанги қишлоғидаги 10 фарзандли Қосимхоновлар, 8 фарзандли Мирқўзиевлар хонадонлари жиддий шикастланган. Бу оилаларга вилоят болалар жамғармаси раиси М. Обидова, вилоят Қизил ярим ой жамияти раиси Ф. Латиповалар шу куннинг ўзидаёқ кийим-кечак, пойабзал, чодир, дорининалар ва бошқа рўзғор ашёлари билан ёрдам беришди. Райондаги бошқа жабрланган оилаларга ҳам тарқатиш учун шундан ҳайрия ёрдами кўрсатилди.

Шу қишлоқдаги 340 ўринли мактабда ҳам бўлдик. Бу ўқув даргоҳи яроқсиз ҳолда келган. Чангидик ўғил-қизларимиз янги ўқув йилини анчадан буён битмай келаётган 844 ўринли янги мактабда бошлаш орзусидалар.

Вилоят ҳокимлиги, барча шаҳар ва районлари саноат корхона ва ташкилотлари, хўжаликлари ҳам офатдан зиён кўрган районларга ёрдам қўлини чўзадилар.

Зулҳумор ЖЎРАЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ВИЛОЯТ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ШАРОИТДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

БУЁҒИ МАҲОРАТИМИЗГА, ТАДБИРКОРЛИГИМИЗГА БОҒЛИҚ

МАЪЛУМКИ, вилоят пахтакорлари бу йилги чигит экиш мавсумини апрель ойида уюшқоқлик билан бошлаб, 12 иш кунида сифатли қилиб тугаллаган эдилар. Бироқ, апрелнинг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб ҳаво авзойи бузилди, узлуксиз ёмғир ёға бошлади. Оқибатда экилган чигитларнинг униб чиқиши қийинлашди. Унган ёш ниҳолларнинг эса томири чирий бошлади. Шундай қилиб, 121 минг гектар майдонга экилган чигитнинг 25 минг гектари май ойининг ўн бешинчисига қадар қайтадан бузиб экилди. Бу умумий майдонга нисбатан 21 фоизни ташкил этди.

Табиий офат, айниқса, Бекобод ноҳияси хўжаликларига катта зарар етказди. Бу ноҳияда умумий экилган 19 минг гектардан 9500 гектарини бузиб, қайтадан чигит экишга мажбур бўлдилар. Шунингдек, Бўка ноҳиясида 2725 гектар, Оққўрғонда 2500 гектар, Пискентда 2900 гектар ерга чигит янгидан қадалди. Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл ноҳиялари пахтакорлари ҳам 25—30 фоиз майдонда ишни янгидан амалга оширдилар.

Пахта билан бир қаторда каноп ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳам анча зарарланди. Албатта, етказилган зарар олинадиган ҳосилга салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Бироқ, бунга йўл қўймаслик учун маълум чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Ғўзанинг ривождан орқага қолиши туфайли уни яганалаш, минерал ўғитлар билан озиқлантириш муддатлари ҳам бир неча кунга орқага сурилиб кетди. Шунинг учун:

— аввало кейин бузиб, қайта экилган майдонларда чигитни тезда ундириб олиш учун қатқалоққа қарши мўлжалланган барча тракторларга осиладиган мосламалар ёрдамида икки-уч кундан кечиктирмай униб чиқиб келаётган ниҳол атрофини юмшатиб, уни қатқалоқдан қутқариб олиш зарур;

— чигит униб чиққан ва ғўза икки-уч чин барг чиқарган майдонларда дарҳол қатор орасини культивация қилиш энг муҳим ва асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ғўза ниҳоллари шикастланишдан кейин минерал озуқаларга муҳтожлигини ҳисобга олиш ва биринчи ишлов билан бирйўла минерал ўғитлар билан озиқлантиришни ҳам амалга ошириш айни мақсадга мувофиқ ишдир; бу тадбир хўжаликларда ўз вақтида ва сифатли бажарилса, ғўзанинг ривожини бирмунча жадаллаштиришга имконият яратган бўламиз;

— ғўзани ўз вақтида яганалаш — ҳосил тақдирини ҳал қилувчи энг асосий агротехник омиллардан бири эканлиги, бу иш қанчалик кечиктирилса, ҳосилдорликка шунчалик салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги пахтакорларимизга аён. Шунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиб, бу тадбирни тезроқ ўтказиш ҳар бир пахтакорнинг асосий бурчи ҳисобланади.

Ғўзани яганалашда мумкин қадар камроқ шикастланган соғлом ниҳолларни қолдириш ҳисобига ҳар гектар ерда 90—100 минг тўп кўчат қалинлигини таъминлаш ҳар бир пахтакор, ижарачи, деҳқоннинг асосий диққат-эътиборида бўлиши шарт.

— Вилоятимизнинг кўпчилик хўжаликларида асосан пахтанинг С-65—24 нав чигити экилди. Бу нав ғўзани суғоришда эҳтиёткорлик зарур. Енгил сув бериш шарт. Бунинг учун ўқариқларнинг оралиқлари ерларнинг текис ва қияликларга қараб олиниши керак. Ўқариқ шундай узунликда олиниши керакки, бунинг оқибатида ўқариқнинг ҳар икки томонидан ҳам тупроқ бир текис намлашини таъмин этиш мумкин бўлсин. Шу билан бирга ерости сувларини ҳам ҳисобга олган ҳолда сув сарфига аҳамият бериш муҳимдир.

— Мўлжалдаги ҳосилни олиш минерал ўғитларга ҳам боғлиқдир. Ҳар бир тонна пахтани етиштириш учун соф ҳолда 50 килограмм азот, 50 килограмм калий ва 30—40 килограмм фосфор минерал ўғитлари сарфлаш талаб этилади. Шунинг учун ҳам ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантиришни биринчи ишлов бериш билан, кейинги озиқлантиришни эса биринчи июлдан кечиктирмай тамомлаш зарур. Агарда бу тадбир ана шу муддатдан кечиктириб амалга оширилса пахтанинг эрта муддатларда пишиб етилишига салбий таъсир кўрсатади.

Қадрли пахтакорлар, биз мазкур қисқа таъсияда ўзингиз билган, амалга оширишингиз мумкин бўлган зарур тадбирларни эсингизга солдик. Маслаҳат бердик. Чунки, бу йилги об-ҳаво ниҳоятда оғир келганлиги ҳаммамизга маълум. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билиб олса бўлади: май ойининг ўн етти кунида вилоятимизда ёққан ёмғир миқдори бир ойлик нормага нисбатан 200 фоизга чиқиб кетди. Ёки 11 апрелда экилган чигит ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 65 даражада самарали иссиқликни кам олди.

Шунинг учун ҳам барча агротехникавий тадбирларни изчиллик билан, сира кечиктирмай, ўз вақтида, аъло сифатли ўтказиб, ҳар бир туп ғўзада эртаги ҳосил етиштириш учун курашиш, бунинг учун ҳар туп ниҳолни кўз қорачиғидек асраб, кўсакларнинг эрта очилишини таъминлашга эришишимиз ғоят муҳимдир.

Азиз пахтакорлар! Буёғи маҳоратингизга, тадбиркорлигингизга боғлиқ!

А. ҚОДИРОВ,
вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси етакчи мутахассиси.

ҲАВО ПИЛЛАНИКИ БЎЛДИ, БИРОҚ...

БУ ЙИЛГИ баҳор сабзаворкорлар, боғбонлар, айниқса, пахтакорларга жиддий ташвишлар келтирганлиги сир эмас. Бу ҳақда айтилмоқда, ёзилмоқда. Лекин халқ орасида ҳаво пилланики бўлди, деган гаплар ҳам йўқ эмас. Бунда жон бор, албатта. Чунки озуқа базаси пиллачиликка ҳал қилувчи омил эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу йил ҳамма ерда тут яхши ривожланди. Барг ҳосили мўл бўлди. Ҳисоб-китоблар мавжуд озуқа мавсум учун етиб, ҳатто ортиб қолиши мумкинлигини ҳам кўрсатмоқда. Тўғри, тоғ олди ноҳиялари, жумладан Паркент, Бўстонлиқ, Оҳангарон ноҳияларида тутзорларни совуқ урди. Айрим хўжаликларда ўттиз, ҳатто юз фоиз майдондаги тутзорлар шикастланди. Лекин кейинги чиқарадиган барги ҳисобига бу зиённинг ҳам ўрнини тўлдириш мумкин бўлди.

Шундай қилиб, бу йил вилоятимиз бўйича 1850 тонна қимматбаҳо хом-ашё етказиш учун қизғин кураш бормоқда.

Бироқ, бу мақсадга эришиш осон бўлмаяпти, албатта. Чунки бозор муносабатлари пиллакорларни ҳам анча оғир аҳволга солиб қўйди. Оддий ҳисоб-китоб қилиб кўрайлик. Бир килограмм пилланинг давлат харид нархи ўртача 32 сўмданга тўғри келади. Хўжаликларда эса бир килограмм пилланинг таннархи кам деганда 100 сўмга тушиши кутилмоқда. Сарф-харажат ҳамин қадар кўпайиб кетганда! Оддий сўри-сўкичакни олайлик. Бир қути пилла қурти учун ана шундай сўридан 10 та комплект зарур. Ваҳоланки, битта комплектнинг нархи 600 сўм. Демак, 6000 сўм пул керак! Агарда вилоят бўйича 35 минг қути қурт уруғи боқилаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, сўриларнинг ўзи учун қанча миқдорда маблағ кераклигини ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб олаверинг! Кўмир, ўтин ва бошқа зарур нарсаларнинг нархини айтмай қўяқолайлик. Уйни — қурт боқиладиган хонани таъмирлаш, оқлаш ва бошқа майда-чуйда ишлар учун кам деганда бир-бир ярим минг сўм сарфлаш ҳеч гап эмас. Хўш, бу маблағни қаердан олиш керак? Ҳаммаси халқнинг гардонига, ҳисобига бўлиши керакми?!

Шунинг учун ҳам, очиғини айтиш керак, бу йил хонадонларга қурт тарқатиш жараёни анча қийинчилик билан амалга оширилди. Лекин ориятли, виждонли, ҳамиятли, инсоф, диёнатли пиллакорларимизга, қишлоқ аҳлига минг раҳмат! Улар раҳбарларимиз шароитимизни яхши билишади, ҳозирги нарх-наво пиллага қилинадиган сарф-харажатларга сира ҳам мутаносиб эмаслигини яхши биладилар, бу ҳақда юқоридагиларга тушунтирмоқдалар. талаб қилмоқдалар, бу талабимиз бугунми-эртами ҳисобга олинади, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деб ишонмоқдалар, эртаги ёруғ кунларга умид қилмоқдалар. Ҳозирги қийин шароитда ҳукуматга осонмас. Шохи-атлас эса халқимизга зарур, деб фикр юритмоқдалар. Зиммага олган мажбурият, режаларини муваффақиятли уддалаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ ноҳияларининг пиллакорлари уюшқоқлик билан иш олиб бормоқдалар. Занги-Ота районида ҳам бу йилдан бошлаб пиллага муносабат тубдан ўзгарганлиги, эътибор кучайганлигини мамнуният билан айтиб ўтиш керак.

Лекин ҳамма ноҳияларда ҳам пилла қурти боқиш ишлари бир текис ва силлиқ бораяпти, деб айтиб бўлмайди. Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Чиноз ноҳияларида аҳвол бир оз титиқароқ бўлиб турибди. Сабаби маълум, бу ноҳияларда қурт боқадиган звенолар режалаштирилганидан анча кам бўлди, Қурт миқдори эса кўп. Шу туфайли бу қуртларни зичроқ қилиб жойлаштиришга тўғри келди.

Умуман олганда вилоят, ноҳия ҳокимликлари вазиятни, шароитни ҳисобга олиб, имконият даражасидан келиб чиқиб пиллакорларга ёрдам қўлини чўзаётганликларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Қайта ишловчи корхоналар ҳисобидан катта миқдорда маблағ ажратилди, бу маблағ пиллакорларга «еб кетарга» тарқатилди. Мукофотлар берилди. Шунингдек, энг камбағ моллар ҳам пиллакорларга тенг ярим баҳода бериб турилибди.

Бу мададдан руҳланган, кеч бўлса ҳам меҳнатлари қадр топишига ишонган пиллакорларимиз вақтни ғанимат билиб ишламоқдалар, тер тўкмоқдалар. Ҳузур-ҳаловатларидан кечиб пилла қуртларини яхши парваришлаш чораларини кўрмоқдалар. Фидокорона меҳнатнинг самараси кўзга ташланиб қолди. Олди хўжаликларда қуртлар 20 майдан бошлаб пилла ўрай бошлайди. Май ойининг учинчи ўн кунлиги ярмларидан бошлаб эса пилла ҳосилини топширишни бошлаш мумкин.

Лекин барибир, қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, пиллакорлар олдида қарздор бўлиб қолмаслигимиз керак. Вилоятимизда иқтидорли мутахассислар бор. Ҳар бир хўжаликда катта ҳаётий ва бой тажрибага эга бўлган пиллакорлар етарли. Ҳозир пилла қуртининг «Андижон-1», «Фарғона-2» сингари навлари ва яна бошқа янги зотлари боқилмоқда. Булардан умид катта. Хуллас, бизда ҳам жаҳон бозори талабларига озми-кўпми жавоб бера оладиган, сифатли, аъло навли пилла хом-ашёси етиштириш учун ҳамма имконият бор. Бу имкониятни тўла-тўкис рўёбга чиқариш учун эса пиллакорга ҳар жиҳатдан эътибор зарур. Уларнинг меҳнати тўла маънода қадр топиши керак. Биз бунга қатъий ишонамиз.

Н. ИСАЕВ.

• *Долзарб мавзу*

• ЗАМОНАВИЙ қулай бинога жойлашган Бекобод район алоқа тармоғи хизматидан ҳамма мамнун. Бунда тармоқ катта муҳандиси Н. Звонова ва навбатчи техник У. Тожибоевларнинг ҳиссаси катта.

Суратқаш Р. АЛБЕКОВ.

КЕКСАЛАР МАСЛАҲАТГЎЙИМИЗ

Бугунги кунда районда 17 минг фахрийлар истиқомат қилишади. Уларнинг яшаш шароитлари доимо ҳокимнинг диққат-эътиборида. Тўймаъракаларга, яхши-ёмон кунларнинг бари ана шу табаррук отахонлар иштирокида ўтади. Ҳоким боролмаган жойларга фахрийлар етиб боришади, халқнинг дардини, муаммоларини тинглашади, баҳоли қудрат кўмакка ошиқишади. Райондаги бу ишлар қўшниларнинг ҳам эътиборини торта бошлади. Яқинда вилоят фахрийлар ташкилоти раиси А. Алимов етакчилигидаги фахрийлар районга келиб, бозор иқтисодиётининг қийин онлари кечаётган дамларда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Фахрийлар райондаги Ким Пен Хва номли, «Роватак» жамоа хўжаликларида бўлишиб, кичик корхоналарнинг иш фаолиятидан бохабар бўлдилар. Айниқса Ким Пен Хва жамоа хўжалигидаги ғишт заводи, атлас тўқиш цехи, пахта толасини қайта ишловчи завод, «Бахт» кошонаси, роватакликларнинг фермерлик фаолиятларининг ривожлантириб катта ютуқларни қўлга киритаётганликлари, ТИИИМСХ ўқув хўжалигидаги кўркам ва ҳашаматли чойхона, район ҳудудидаги кенг қўламдаги қурилишлар, уларда катта таассурот қолдирди. Меҳмонлардан айримларининг дил сўзларини тинглаб кўрайлик.

Турғун АНДАБОЕВ, Юқори Чирчиқ райони фахрийлар ташкилоти раиси муовини:

— Районда ҳавас қилишга арзигулик ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Қизлар бинойидек атлас тўқишаяпти. Улар тўқиётган атласларнинг жилосидан кўзингиз қамашади. Ёки оддий шишаларни қайта ишлаб, нафис, хорижликларникидан қолишмайдиган биллурсифат чинниларни тайёрлашаётганини айтмайсизми? Ҳаммасида инсон меҳнати мужассам. Бир нарсани англадик: ўртачирчиқликлар бозор шароитини тўла ўзлаштириб олибдилар.


Гавриил Павлович КУЛИБАБА, Олмалиқ шаҳар фахрийлар ташкилоти раиси:

— Бу ерда энг муҳими одамларнинг фойдали меҳнатга жалб қилинганлигидир. Шундай фермер хўжаликларни кўрдикки, уларнинг меҳнатига фақат тасаннолар дейсан, киши. Агар иш шу тарзда давом эттирилса район барча соҳаларда ўз ўзини бемалол таъминлайдиган бўлади.

Ҳамза ИЎЛЧИЕВ: Пискент райони фахрийлар ташкилоти раиси:

— Ўрта Чирчиқдаги ўзгаришлар, янгиликлар барчамизни қувонтирди. Айниқса фахрийларга етарли шароитлар яратилибди. Улар учун очилган алоҳида дўконда барча маҳсулот турлари мавжуд. Ҳокимнинг фахрийлар билан бамаслаҳат иш тутиши бизларга маъқул бўлди.

С. АБДУЛЛАЕВ.



ТОШКЕНТ—ЧИМКЕНТ

ҚЎШМА КОРХОНА ОЧИЛАДИ

ТОШКЕНТ ва Чимкент вилоятлари ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномаларга имзо чекканларига мана икки йил бўлди. Бу орада ўзбеклар Қозоғистонга, чимкентликлар эса Ўзбекистонга бир неча марта келиб кетдилар.

Айни пайтда ҳам қўшни қондош ва жондош икки вилоят меҳнаткашлари дўстлик алоқаларини узганлари йўқ, бир-бирларинникига ўзаро борди-келдини давом эттирмоқдалар. Яқинда вилоятимизга ташриф буюрган чимкентликлар кўпгина районларда бўлишиб қишлоқ хўжалиги, саноат соҳаларида эришилаётган ютуқлар билан яқиндан танишдилар.

Занғиота райони ҳам аввалдан Келес ва Киров районлари билан ҳамкорлик қилиб келади. Куни кеча Келес ва Киров районидан келган меҳмонлар бунга яна бир марта иқрор бўлдилар. Меҳмонлари Занғиотадаги халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар, консерва цехлари қизиқтириб қўйди. Келес район матлубот жамиятлари уюшмасининг раиси Ж. Мухашов бу ҳақда Занғиота район матлубот жамиятлари уюшмасининг раиси Т. Тўлаганов билан маҳсулотлар алмашлаш борасида келишиб олди. Энди келесликлар Ўзбекистонда очилажак «Қозоғистон — Ўзбекистон» номли қўшма корхонани бунёд этиш тараддудидалар. Ушбу корхонанинг тармоқлар бўйича хизмат кўрсатиш усулларини қозоғистонликлар ўз зиммаларига оладиган бўлдилар.

Занғиоталиклар ҳам ўз навбатида қозоқ дўстларига кичик корхоналар, замонавий цехлар қуришда ёрдам берадя.

— Биз Келес ва Киров районлари билан бир неча йиллардан буён борди-келди қиламиз,— дейди Занғиота район ҳокими Ж. Ж. Маликов.— Куни кеча имзолаган шартномамизга мувофиқ уларга қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехларни қуришда мутахассисларимизни жалб этамиз. Эртаки сабзавотларни етказиб берамиз. Шунингдек, саноат молларини, кийим-кечакларни ҳам айирбошламоқчимиз. Қозоғистонликлар эса ўз навбатида чорвачиликни ривожлантириш учун бизга ем-хашак, аралаш озуқа каби маҳсулотларни беришади. Биз бундан кейин ҳам ўзаро тажрибаларимизни бир-биримиз билан ўртоқлашиб турамиз. Ҳамкорлигимиз давом этаверади.

Ҳ. ЮНУСОВ.

• *ХОТИРА*

МЕТАЛЛУРГЛАР САРДОРИ ЭДИ

МУҲИДДИН ака ёруғ дунёдан барвақт кўз юмди. Оталик меҳрига тўймасдан тўрт ака-ука зор-зор йиғлаганича тирик етим бўлиб қолаверишди. Ўшанда Шафоат хола 13 ёшли Саид, 9 ёшли Шамси, 5 ёшга тўлаётган Кўки ва эндигина бир ёшга тўлган Сайфи билан Каттақўрғон шаҳридаги эски ҳовлида туришарди. У шу жойда очилган новвойхонада ишлай бошлади.

Оила бошига тушган оғир мусибатлар, турмуш шароитининг қийинчиликларига қарамасдан Шафоат хола қўни-қўшнилар орага қўйган кишига турмушга чиқишга розилик бермади. Қоринлари ноннга тўймасдан, юнун кийинган тўртлала ўғлонни оёққа турғазишга қатъий аҳд қилди.

Мана, тўнғичи Саид ҳам катта йигит бўлиб қолди, бу пайтга келиб Ватанимизда фашистлар Германияси билан уруш давом этарди. 1944 йил бир гуруҳ йигитлар билан Саидни ҳам фронтга жўнатиш учун Тошкент темир йўл вокзалига олиб келишди. Худди ўша йили Ўзбекистонда янгона металлургия заводини қуриш бошланган эди. Шу туфайли Ўзбекистон партия Марказқўми котиби Усмон Юсуповнинг бевосита ташаббуси билан фронтга тайёрланаётган ўзбек йигитларидан бир гуруҳи Уралда жойлашган металлургия заводларига иш тажрибасини ўрганиш учун шошилинч равишда юборилди. Шу йигитлар орасида биринчи ўзбек металлурги, кейинчалик Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган марҳум Саид ака Нуритдинов ҳам бор эди.

Саид ака Урал заводларида металлургия соҳасида иш жараёнларини обдон ўрганиб, Бекобод шаҳрида қурилаётган металлургия заводининг прокат цехи ишга туширишда биринчилар қаторида қатнашди ва «стан»да вальцовкачилик вазифасини бажарди. Прокат цехини монтаж қилиш, биринчи линия мосламаларини ишга туширишда фаоллик кўрсатганлиги эвазига «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланди. Ўшанда у 19 ёшда эди. Оддий вальцовкачиликдан юқори тоифали мастерлик даражасига кўтарилган Саид ака тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи прокат цехининг ривожланиши учун муносиб ҳиссасини қўшди, десак муболаға бўлмайди.

Кўп йиллик самарали меҳнатлари эвазига, ёшларга оталарча меҳрибонлик қилиб иш услубларини эринмасдан ўргатган Саид ака икки марта Ленин ордени, қўша-қўша бошқа орден ва медаллар ва ниҳоят 1961 йил Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Нафақага узатилганига қарамай умрининг охиригача цех бошлиғининг хўжалик ишлари бўйича ёрдамчиси бўлиб ишлади. Бироқ оғир дард мураббийни металлурглар орасидан олиб кетди.

Ўзбекистон металлургия заводи тарихида ўчмас из қолдирган Саид Нуритдиновнинг ишларини у кишининг укалари Шамси, Куки ва ниҳоят Сайфилар ўзларининг ҳалол ва виждонли меҳнатлари билан давом эттирдилар.

Тириклигида онаси ва укаларини Бекободга кўчириб келтирган Саид ака укаси Шамсини ҳам металлургия заводига, яъни ўзи ишлаётган прокат цехига ишга жойлаштирди. Дастлабки йилларда совутиш мосламаси ишчиси, оддий вальцовкачи бўлиб ишлаган Шамси тез орада турли прокат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларини мукаммал ўрганиб олди, режаларни адо этишда шахсий фаоллик кўрсатди. Қисқа вақт ичида катта вальцовкачи бўлиб етишди. Кейинчалик зардоб комсомол-ёшлар бригадасига мастер қилиб тайинланди.

Хизмат кўрсатган металлург Шамси Нуритдинов мастерлик қилаётган прокат цехининг 3-ёшлар бригадаси аъзоларининг меҳнат ғалабалари довруғи корхонадагина эмас, шу билан бутун Бекободда кенг тарқалди.

Кексалик нафақасига кузатилган Шамси ака ўз ҳаётини цех жамоасисиз тасаввур қилолмади, шу сабабли навларга ажратиш бўйича давлат техника назоратчиси бўлиб ишлай бошлади. Ленин ордени, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали, сон-саноқсиз Фахрий ёрлиқлар билан бир қаторда «Хизмат кўрсатган металлург» номига сазовор бўлган Шамси Нуритдинов 1988 йил тўсатдан бошланган машъум бетобликдан сўнг ҳаётдан кўз юмди.

Қарийб 40 йилдан буён 1-навли прокат цехида меҳнат қилиб келаётган фахрий ишчи Петр Киндинов Шамси ака ҳақида шундай хотирлайди:

— Нуритдинов — ҳақиқий инсон, жонкуяр етакчи киши эди. Иш пайтида жуда ҳам талабчанлиги туфайли сифатсиз маҳсулот тайёрланаётганлигини кўрган заҳотиёқ «стан»ни тўхтатарди-ю, дарҳол мосламаларни алмаштирарди.


Энг кичик ўғил Сайфи ҳам акаларининг изидан борди. Совет Армияси сафидан қайтган аскар йигит прокат цехига металл қизитувчи бўлиб ишга кирди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда оғир саноат техникумини тамомлашга муваффақ бўлди. Кўп йиллар смена бошлиғи, кейинчалик эса методик печьлар мастери бўлиб ишлади. Металл қотишмаларини бир меъёрда қизитиш, 1- ва 2-печларни режали равишда тузатиш ишларини ўз вақтида ва хатосиз бажаришни кўнгилдагидек давом эттириб келаётган Сайфи Нуритдиновни ҳам бевақт ўлим металлурглар сафидан олиб кетди. Кези келганда айни бир ҳақиқатни айтиб ўтишга тўғри келади.

Республикамизда Хотира кунлари ўтказилиши муносабати билан металлурглар сулоласи бўлмиш Нуритдиновлар оиласининг яккаю-ягона вакили бўлган 60 ёшли Куки ака билан учрашдим ва у кишининг ҳаёт йўли, ташвиш ва ўйлари хусусида қизиқдим.

Металлургия заводининг барпо этилиши ва унинг босиб ўтган шонли йўли корхонанинг биринчи қалдирғочлари Ҳофиз Ғаниев, акаларим Саид, Шамси Нуритдиновлар номи билан чамбарчас боғлангандир. Хўш, шундай экан, наҳотки ўша инсонларнинг номлари изсиз ўчиб кетса? Мана қадриятларимиз тикланаяпти, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришди. Ҳеч бўлмаганда, шаҳримиздаги кўчалардан бирини биринчи ўзбек металлурглари номига қўйиб, улар хотирасини абадийлаштирсалар шу инсонлар руҳи ғоятда шод бўлар эди.

А. БОБОНАЗАРОВ,
А. АШУРОВ.

1640 Бобораҳим Машраб 1711



ҒАЗАЛЛАР

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг,
Осмонни пора қилди оҳу афғоним менинг.
Мен нечук шод этмайинким хаста кўнглумни бу кун,
Келди ҳолимни сўраб жон ичра жононим менинг.
Эй ситамгар, келгилу акнун шаҳид этгил мени,
Мавж урсун Карбало даштида бу қоним менинг.
Чун сенингдек нозанин жамъи мулкда йўқ турур,
Бу жаҳонда кўрмадим, эй кўзи чўлпоним менинг.
Нозу истиғно била келиб мени ҳолимни сўр,
Термулиб доим йўлингда чашми гирёним менинг.
Ногаҳондин келди бир тош тегди чун оғзимғау,
Мустафодек синди охир икки дандоним менинг.
Тобақай жабру ситам айлаб юрурсан, эй рафиқ,
Чиқди Машраб, ушбу ғамдин бу азиз жоним менинг.

* * *

Бу тани хокинию руҳи равонни на қилай?
Бўлмаса қошимда жонон, бу жаҳонни на қилай?
Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак,
Иброҳимдин қолғон ул эски дўконни на қилай?
Урайинму бошима саккиз биҳишту дўзахин,
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қилай?
Зарраи нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамом,
Ошкора бўлса, бу сирри ниҳонни на қилай?
Аршнинг кунгурасин устиға қўйдум оёғим,
Ломакондин хабар олдим, бу маконни на қилай?
Бир худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо,
Гул агар бўлса қўлимда, ул тиконни на қилай?

* * *

Агар ошиқлиғим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар,.
Кишиға ишқ ўтидин заррае етса бўлур гирён,
Бўлуб бесабру бетоқат, юрак — бағри чунон ўртар.
Нечук тоқат қилай, дўстлар, бу дард ила бўлиб
ҳайрон,
Ғамим бошқа, алам бошқа, юрагимни ниҳон ўртар.
Мени бехонумон тинмай куюб ёндим фироқингда,
«Нигоро!» деб отинг айтсам ки завқингдин забон
ўртар.
Қаю тил бирла, эй жоно, сени васфинг баён айлай,
Тилим лолу кўзим гирён, сўнгакларим чунон ўртар.
На қаттиғ кун экан, дилбар, висолингдин жудо бўлмоқ,
Мени оҳим тутунига бул замину осмон ўртар.
Юракда дарду ғам қат-қат, ки менда қолмади тоқат,
Агар бир заррасин бу вақт десам, ишқи баён ўртар.
Бу дард ила хароб ўлдум, келиб ҳолимни сўрмассан,
Унум чиқса юракдин бу тану жон, устиҳон ўртар.
Бу Машраб дардини, жоно, ки ҳеч ким бошиға солма,
Агар машҳарда оҳ урсам, биҳишти жовидон ўртар.

* * *

Санамнинг шавқида тинмай юруб оввора Машрабман,
Кўзи ёшлиғ, қади хамлиғ, дили садпора Машрабман.
Кўнгулда заррача дунёнинг меҳри бўлмайин менда,
Сени деб икки оламдин кечиб безора Машрабман.
Улуб кетсам, сенинг дардинг сўнгакдин кетмағай асло,
Лаҳад ичра фиғон айлаб, ўзум бечора Машрабман.
Анодин қай куни тугдум, сенинг ишқингда оҳ урдум,
Муҳаббат даштида юрган бўлиб оввора Машрабман.
Муҳаббат жомидин май туттилар, ичмасга чорам йўқ,
Кўзумдин қон ёшим тинмай оқар, хунбора Машрабман.
Бошимға минг бало келса, тиларман васлин, эй зоҳид,
Бошим кессанг тиёрим йўқ, деган дийдора Машрабман.
Халойиқлар мени қувлар, ёмон, деб ҳар шаҳар
борсам,
Ажаб мардуд, ажаб маржум сангсора Машрабман.
Ўзумни халқ аро расволиғимни ҳеч киши билмас,
Дилу жоним фидо айлаб ажаб айёра Машрабман.
Мени девона Машрабға муҳаббатдин баён айланг,
Намозу рўзадин фориғ бўлиб маккора Машрабман.

МУХАММАС

Эй, санам, гулгул ёнибсан май ичиб рахшонмусан?
Барқ урадур ой юзинг, ҳай-ҳай маҳи тобонмусан?
Хуш келуб берғил жавобим, жонмусан, жононмусан?
Оллоҳ-оллоҳ, пора қўнглум тахтиға султонмусан?
Шишаи жонимға тушган бир пари жавлонмусан?

Силкиниб бир-бир юрурсан, бул ажаб мастонасан,
Май ичибон тир чекибсан, турфа гулгул ёнасан,
Бу назокатда турурсан, сен нечук жононасан?
Гулмусан, райҳонмусан ё дурмусан, дурдонасан?
Лаълму ёқутмусан, маржонмусан, жононмусан?

Оразинг — анвар, хатинг — анбар, лабинг — шаҳду
шакар,
Пистаи хандондур оғзинг, кўзларинг бодоми тар,
Оразинг саҳни аро холу хатингдур жилвагар,
Бу назокатлар била ҳай-ҳай келибсан дар назар,
Гулмусан, булбулмусан, сунбулмусан, райҳонмусан?

Икки рухсоринг қизил гулдурки ё барги суман,
Донаи райҳон қаро холу хатинг саҳни чаман.
Сийм тан, гул пираҳан, ширинсухан, нозик бадан.
Одамисан ё парисан бу назокат бирла сан,
Хурмусан, ғилмонмусан, жаннатмусан, ризвонмусан?

Гул—юзунг, наргис—кўзунг райҳон—хатинг.
гулғунча — лаб,
Маҳв бўлдум, эй пари, ҳардам жамолингга қараб,
Қоматинг нахли биҳиштидур, занахдонинг—рутаб,
Зулф ила холинг юзунг узра ярашубдур ажаб,
Мисрға лашкар тўкубсан, шоҳи Ҳиндистонмусан?

Лаъли рахшондур лабинг, қўрси сабоҳи ғабғабинг,
Ой юзунгга хўб ярашур дона-дона кавкабинг,
Доғлар қўйди юракка ул қаро холу хатинг,
Мунча доғ этмак недурким, эй ситамгар, кўзларинг,
Ўлдурурсан, тиргизурсан, Исон давронмусан?

То қадам қўйдинг чаман саҳнига, эй бехор гул,
Қилди пойандоз шамшоди қизил дастор гул,
Қарқаранг — сунбул, кулоҳинг — ғунчаю рухсор
гул,
Қилди авродингни Тури Синода такрор гул,
Қоматингдур турфа нозук, химчан ларзонмусан?

Турфа зулфинг ҳам эгилди чин-чин устиға чин,
Чинийлар келди бу чин савдосиға Чин мулкидин,
Силкиниб уйдан чиқарсан сарв бўйлук нозанин,
Мен нечук қилмай фидо жону дилу имону дин,
Хуш кулуб жоним олурсан, ғунчаи хандонмусан?

Сўзларинг шаҳду шакардур, лабларинг қанду асал,
Қоматингдур найшакар, бошдин аёғинг бебадал,
Бир наво айлай, қулоғ солғил, эшитгил бу масал,
Булбулингман, сен гулимсан ҳам гулистоним азал,
Машрабинг ўртанди, эй гул, оташи сўзонмусан?

МУСАДДАС

Не ғурбатларни чектим чархи бебунёд дастингдин,
Тамоми хонумоним ўлди чун барбод дастингдин,
Мудом мотамда қолдим, бўлмадим дилшод
дастингдин,
Қафасдин бўлмадимки қумридек озод дастингдин,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод
дастингдин.

Дилимнинг қуввати, руҳи равонимдин айирдилар,
Кўзумнинг оқи янглиғ меҳрибонимдин айирдилар,
Азизим, ҳамдамим, оромижонимдин айирдилар,
Жаҳон гулларида ул гулистонимдин айирдилар,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод
дастингдин.

Чаманда булбули бехонумонман, ошёним йўқ,
Мисоли чуғздек вайроналарда ҳам маконим йўқ,
Вафолиғ ёр деб чиқти, жасадда балки жоним йўқ,
Азизимдин жудо бўлдим, бошимда соябоним йўқ,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод
дастингдин.

Менингдек ғамда қолған, дилпаришон бўлмасун ҳеч
ким,
Бу олам халқи ичра паришон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзимким телмуруб йўлларға ҳайрон бўлмасун ҳеч ким,
Бу дунё дийдасига торикистон бўлмасун ҳеч ким,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод
дастингдин.

Илоҳо, менга еткурғаймукин ҳуршиди матлабни,
Саодат буржидин ул шамғи иқболимға кавкабни,
Кўтаргайсан бошимдин икки оламда қаро шабни,
Илоҳо, сен етур ҳиммат йўлиға хаста Машрабни,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод
дастингдин.

МУСТАҲЗОД

Ногоҳ кўрунуб жилва қилиб ўтти паризод,
Бағримни қилиб қон,
Фурқат ила ғам даштида дил айлади ношод,
Ул ваъдаси ёлғон.
Йиғлаб, югуруб орқасидин эргаша қолдим,
Бир раҳм қилур деб,
Бераҳм вафосизға қилиб умрини барбод,
Саргаштаи ҳайрон.
Ғам тунлари то субҳ куярман кеча-кундуз,
Ишрат била сенсан,
Лутфунг била ҳам лашкаридин айласанг озод,
Шаънингга не нуқсон.
Парвона сифат ўргулайин ҳар қадамингдин,
Гар бўлса муяссар,
Бир лаҳза тараҳҳум юзидин айламадинг шод,
Ғамзанг била, эй жон.
Бурқаъ солибон гуллари гар юзини очса,
Кўрмоққа не имкон,
Қатлимға аning кўзларидур кофиру жаллод,
Тўкмоққа раги қон.
Имонини бир ишвасиға сотти бу Машраб,
Тарсобача учун,
Зуннор солиб бўлди бараҳман ила шоддод
На куфру на имон.

ШОИР ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

«ҲАЖВГЎ ва ҳозиржавоб Девона Машраб Ўрта Осиё халқлари орасида жуда машҳурдир... фикримизча. Машраб чуқур диққат билан жиддий ўрганишга сазовор шахс... у муттасил равишда маҳаллий руҳонийлар билан мунозарада бўлган ва ҳар доим баҳс-мунозараларда улардан устун чиққан».

Академик
Н. И. ВЕСЕЛОВСКИЙ.

«АБДУЛКАРИМХОН... хизматига эшон Сўфий Олло ёр, домулла Олим Конибодомий, домулла Валеви Хўжандий ва Машраби девонаи Наманганий келиб, суҳбат тутар эдилар».

Мирза ОЛИМ («Ажобус салотин...» дан).

БОБОРАҲИМ Машрабнинг оташин, жўшқин лирик шеърлари, ўз замонасидаги бошбошдоқлик, қоронғулик, зулму-ситамлардан шикоят қилиб ёзган исёнкор сатрлари ўша вақтлардаёқ жабр кўрган омма ўртасидаги нур тезлиги билан ёйилиб борар эди. Машраб бир ғазални тугатар-тугатмас ошиқлар, маъшуқлар, риндлар, қалби аламли кишилар илиб олиб, куйга солар эдилар. Қашқардан тортиб бутун Фарғона, Тошкент, Зарафшон воҳаларига қадар қалдирғочдай учиб борган бу сатрлар шоирнинг зўр ҳурматини эл ўртасида ёяр эди.

Академик Ғафур Ғулом.
(«Икки Машраб» номли мақоласидан).

БУГУН ВА ЭРТАГА...

ШУ КУНЛАРДА халқимиз мумтоз адабиётимизнинг улкан намояндаси Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллигини байрам қилмоқда. Жумҳуриятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида бу қутлуғ санага бағишланиб машрабхонлик ва мушоира кечалари ўтказилмоқда. Уларда Машрабнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти хусусида сўз юритилиб, асарларидан намуналар ўқилмоқда.

ЭРТАГА Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номли Адабиёт институтида ҳам улуғ шоирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий анжуман ўтказилади, унда жумҳуриятимизнинг таниқли машрабшунос олимлари билан бир қаторда шоир ва ёзувчилар иштирок этишади.

КЕЧҚУРУН Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик Катта театри биносида улуғ шоир таваллудининг 350 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтади.

Шундан сўнг машрабхонлик Фарғона водийси вилоятларида давом этади.

ШОИР ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

«УШАЛ ИЙЛ Бухоройи шарифда дай(қиш) бағоёт шиддатли кечти. Фақир шоҳимла Бухоройи шарифнинг ғарибона қаландархоналарининг эски бир ҳужрасида жойнишин эрдик. Бу аснода шоҳим (яъни — Машраб — М. Ҳ.) ҳазрати Мавлавий Румийнинг «Маснавий маънавий»ларига андоқ мафтун эдиларки, ул китоби муборакни туркигўйлар назариға етказмоқ орзулари ҳам йўқ эрмасди. Баҳор фаслида шоҳим бу фақирни (яъни Зиёвуддин Исҳоқ Боғистонийни — Ҳ. М.) бир юмуш бирла Андижон сафариға кузатмишлар. Бу фақир орадин олти-етти ой ўтиб, кеч кузда Бухоройи шарифга қайтдим. Орадин бир неча фурсат ўтгач, шоҳим қўлимға катта даста битикларни тутқазиб, ани ҳуснихат бирла битиб, китобот қилмоқни илтижо қилмишлар. Ўшул даста қоғозлар унвонида «Мабдан нур» битики фақир назариға намоён бўлди. Алғараз мен сафарда эрканман, шоҳим «Маснавийи маънавий» руҳинда бир китоб тасниф этқонлари менга аён бўлди. У даста битикларни уч-тўрт ой мобайнида кўчуруб, китоб ҳолиға келтурилди...»

Зиёвуддин Исҳоқ
БОҒИСТОНИЙ
(«Тазкирайи қаландарон»-дан).

XVII—XVIII асрларда ўтган ўзбек шоирлари орасида кўрак (знёлилар томонидан эмас, омма томонидан) ўқулғон муҳим бир сиймо Машрабдир. Машрабнинг ғазаллари ва Машраб ҳақида ёзилган машҳур манқаба ўзбек оммаси орасида жуда теран ўрунлашгон. Елғиз Ўзбекистонда эмас, Хитой Туркистонида, айниқса, қашқарлилар орасида унинг нуфузи жуда каттадир.

Ўзбек қишлоқларида ва яқин кунларгача ўзбек шаҳарларида, айниқса, қиш кечаларида «машрабхонлик» аталғон ўтурушлар бўлар эди. Халқ бир чойхонада ё бирининг меҳмонхонасида йиғилишар, энг яхши ва баланд товушли бир ҳофиз (машрабхон) Машрабнинг ғазалларини «Савт», «Талқин», «Муножот» каби куйларда ўқур эди. Унинг атрофида ўтурғон кишилар қимирламай, нафас чиқармай буюк бир диний ҳаяжон билан тинглар эдилар. Қизиғи шундаки, машрабхонлик кечаларини идора қилувчи машрабхонларнинг ўзлари дин билан оз алоқали кишилар эди. Наша чекар, қумор ўйнар эдилар.

Абдурауф ФИТРАТ.

«...ва ул авонда Машраби девонаким, авом ани вали дерлар. Намангандин иродати Байтуллоҳ қилиб, вилоятн Балхга доҳил бўлиб, Маҳмудбек олдига беадаблик андин содир бўлди. Маҳмудбек буюрдиким, ул бечоран девонаи мажзубин Мансурвор сиёсат дорига остилар ва бир неча муддатдин сўнгра Маҳмудбек зилзалада ер остида қолиб ўлди.

ҲАКИМХОНТЎРА.
(«Мунтаҳабут таворих» дан).

ДАРД АҲЛИНИНГ СУЛТОНИ

**Азалдин мен дили ғамгин халойиқ хайлини севдим,
Шаҳид қонин сипқормиш шаҳаншоҳлардин орим бор.**
МАШРАБ.

ЎЗБЕК ва бошқа туркийзабон халқлар адабиётида ўзининг оташнафас, халқчил шеърлари билан кенг шуҳрат топган ўзбек классик адабиётининг улуғ намояндаларидан бири Бобораҳим Машрабдир. Унинг содда ва равон тилда ҳамда исёнкор руҳда ёзилган асарларини ўқиган ё эшитган киши дарҳол уларни ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Шоирнинг жозибадор шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар тингловчининг кўнгил уйидан мустаҳкам ўрин олади.

Машрабнинг саргузаштларга бой ҳаёт йўли, маълум даражада зиддиятлардан ҳоли бўлмаган ижодий фаолияти у ҳаётлик давриданоқ турли тарих ва тазкиралардан ўрин олиб, китобхонларни ва тадқиқотчиларни ҳануз мафтун этиб келмоқда.

Машраб ҳақидаги дастлабки ёзма маълумот унинг замондоши — самарқандлик олим ва мударрис Бадеҳо Малеҳо томонидан ёзилган «Музаккир ул-асҳоб» («Суҳбатдошлар тазкираси») номли асарда учрайди. Шунингдек бирин-кетин юзага келган Зиёвуддин Боғистонийнинг «Тазкирайи қаландарон», Абдулмуталлибхўжанинг «Мажмуайи Фаҳмий», Ҳакимхонтўранинг «Мунтахаб уттаворих» («Сайланма тарихлар»), Мирзо Олим Муширифнинг «Ансобус-салотин ва таворихи хавоқидин», Мажзуб Намангонийнинг «Тазкират ул-авлиё» каби қатор қўлёзма, тошбосма каби манбаларда шоир Машраб ҳақида озми-кўтми маълумотлар учрайди.

Инқилобгача бўлган давр рус олимлари ва кейинги давр ўзбек ва бошқа қатор: Веселовский, Ликошин, Вяткин, Ислом Аҳмедов, Иззат Султон, Карцев, Ғафур Ғулом, Абдуқодир Ҳайитметов, А. Абдуғафуров, Муҳсин Зокиров, Эргаш Шодиев, Исматилла Абдуллаев сингари олимлар Машраб асарларини ўрганиш, нашр этиш ва тадқиқ қилиш борасида бир қатор ишларни амалга оширдилар.

Манбалар Машраб таржимаи ҳолини қуйидагича баён қилиш имкониятини беради. Бўлажак оташнафас шоир Машраб қўл кучи билан бўз тўқиб, шундан тирикчилик қилувчи Мулла Вали ва Биби Салималар оиласида 1640 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топган. Шоир ҳам ўзининг наманганли эканлигига ишора қилиб, қатор ғазалларида шундай мисраларни битган:

**Ғазна, Наманган ичида юрди Раҳимбобо сўраб,
Топмади бир ҳодиени, толиби раҳбар ўзум...**

**На малакман, на фариштa, мен ҳам одам наслидин,
Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангонинам...
Наманган шаҳридин кетсам, менн йўқлар кишим
борму?
Ғариблиқ шаҳрида юрсам, мени йўқлар кишим
борму?**

ва бошқа яна қатор мисолларни келтириш мумкин.

Ёш Раҳимбобо маҳаллий домла қўлида илк сабоқни олгач, илм-маърифатда Наманганда донг таратган Мулла Бозор оҳунд қўлида таълим-тарбия кўради, шу даврдан ижодий ишга киришиб, Машраб таҳаллуси билан шеърлар ёза бошлаган. Сўнгра устози Мулла Бозор оҳунд маслаҳати билан Наманғандан Қашқарга бориб, ўша даврнинг нуфузли уламоларидан Офоқхўжа дарғоҳида «бир пўстинни етти йил» кийиб хизмат қилганлиги ва билим олганлиги маълум. Ҳатто атоқли олим, профессор Абдурауф Фитратнинг ёзишича, «Мабдайи нур» номли машҳур асарини ҳам Офоқхўжанинг таклифи билан шу даргоҳда туркий-ўзбек тилига форсчадан таржима қилган, Фитрат ўз фикрини тасдиқлаш учун Машрабнинг қуйидаги байтини келтиради:

**Етушти Машраб ўшал кун «Мабдайи нур»ға
Валийи Хожайи Офоқ шоҳни ҳимматидандур.**

Ёки Машраб девонидан яна ушбу байтни ҳам келтириш мумкин:

**Нидо келди, эй Машраб талабдин узма кўнглинг,
Очилди «Мабдан нури» ҳақиқат нуктадонийнам.**

Мазкур фикрларнинг ўзиёқ «Мабдайи нур» бошқа Машраби Соний исмли шоир томонидан ёзилган деб юрувчи фикрларни рад этишга етарли асос бўла олади, деб айта оламиз.

Машрабнинг оилавий ҳаёти ҳақида ҳам турлича маълумотлар бор. Лекин манбалар унинг уйланмай оламдан ёлғиз ўтганлигини қайд этади. Бу ҳақда 1911 йилда Ўрта Осиё археологлари жамиятида қилган маърузасида Пантусов ўз мулоҳазаларини баён қилган. Шу манбада қайд этилишича, Машраб уйланиб ундан зурриёд қолмаган бўлса-да, унинг сингилисидан Нормуҳаммадхўжа ва Иноғомхўжа исмли икки ўғил фарзанд қолганлиги очиқ-равшан ёзилган.

Машраб ўз ғазалларида ёзишича «кўҳ-бакўҳ-саҳро-басаҳро кезиб» кўпгина ўлка—юртларга қаландарларга бош бўлиб чиқади. У Қашқарда Офоқхўжа ҳузурида қаттиқ тан жазосини олиб, эрлик иқтидоридан маҳрум бўлиб, бир қанча шаҳарларни пою-пиёда кезиб фарёд уриб юради. У Қашқардан қайтиб онасининг зиёратига келади, сўнг Андижон, Ўш, Хўжанд, Тошкент, Туркистон, Сайрам, Бухоро каби қатор катта-кичик шаҳар, туманларда бўлиб, Яссавий, Нақшбандий каби азиз зотларнинг қадамжоларини зиёрат қилиб, Маккага бормоқчи бўлади. Аммо негадир:

**Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак,
Иброҳимдин қолғон ул эски дўконни на қилай?
Урайинму бошима саккиз биҳишту дўзахин,
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қилай?**

деб сафар йўлини Балх томонга буриб юборади ва у ерда баъзи «беадабликлар содир» қилгани учун Балх ҳокими Маҳмудбий Қатағон томонидан 1711 йили дорга осиб ўлдиришга фармон берилади. У қўлларини боғлаб ўлимга олиб кетмоқчи бўлган жаллодларга мардона боқиб, шундай дейди:

**Чун қўлим бирла аёғим боғламоқ ҳожат эмас,
Ман ўлумға розиман чун турғали тоқат эмас.
Мунча шиддат бирла бошим кесгали зўр айлама,
Баски одам қони тўкмак санга ҳам тоат эмас,
Лашкари хунрез бўлса сабру ором қайда бор?!
Мажмуни девоналарнинг шоҳиға роҳат эмас.
Чун муборак бўлсун, эй Машраб, қизил қонинг сени,
Хўб иш бўлди сенга жон берганинг офат эмас.**

Машрабнинг саргузаштли ҳаёт йўли ўз ҳамсафар дўстларидан Пирмат Сеторий томонидан ёзилган «Девонаи Машраб» ё «Шоҳ Машраб» дея юритилувчи қиссада анча муфассал баён қилинган. Унинг бугунги кунда кенг китобхонларга кетма-кет нашр этилиб, тақдим этилаётган асарлари — ғазал, мухаммаслар ана шу Пирмат Сеторий жамлаган маноқиб—«Машраби девона» қиссаси ва айрим бошқа манбалардан олинмоқда.

Машрабнинг адабий мероси асосан ғазал, мухаммас, мураббаъ каби шеърий жанрлар кўп учрайди. Фитратнинг ёзишича, ўзбек адабиёти тарихида Машраб мустаҳзод жанрида энг кўп ижод қилган шоирларнинг биридир. Шунингдек, Имом Ғаззолийнинг «Кимёи саодат», Жалолиддин Румийнинг «Маснавий маънавий» асарлари «Кимё» ва «Мабдайи нур» («Нурнинг келиб чиқиш жойи») номлари билан Бобораҳим Машраб томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

Асосан Машраб таҳаллуси билан эл орасида шуҳрат топган Валибобо ўғли Раҳимбобо меросида Маҳдий, Умам, Зинда таҳаллуслари билан ёзилган шеърлар ҳам учрайди. Машраб адабий меросидаги шеърлар асосан ўзбек, қисман форс-тожик тилида яратилган. Аммо у ўз ижодини қачон бошлагани бизга аниқ эмас. Ҳар ҳолда ёшликдан бадиий ижодга қизиқиб Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Лутфий, Навоий каби сўз санъаткорларининг ижоди билан таниша бориб, ўзи ҳам уларнинг илғор анъаналарини давом эттириб шеърлар ёза бошлаган. Унинг асарлари бизнинг замонамизда дастлаб шеърий мажмуаларда чоп этилди.

50-йиллардан бошлаб Машраб шеърлари алоҳида китоб ҳолда бирин-кетин дунё юзини кўра бошлади. Ниҳоят ҳозирги нисбатан мукаммал нашри 1990 йилда Жалолиддин Юсупов томонидан чоп эттирилди. Унда ҳам айрим хато ва нуқсонлар йўқ эмас.

Машрабнинг адабий мероси, хусусан, шеърияти ишқий, исёнкорона ва тасаввуфона руҳдаги ҳис-туйғуларни ифодалайди. Бу туйғулар Машраб ижодида ўзбек ва форс-тожик классикларининг анъаналари таъсирида шаклланди. Унга Ҳофиз, Лутфий, айниқса, Алишер Навоий, Фузулий каби улкан адиблар адабий мероси ижобий таъсир кўрсатди. Шоир Машраб шеърларида биз навоийона фалсафийлик, дунёсеварлик, халқпарварлик каби умуминсоний туйғуларни, мазмун чуқурлиги, вазн ўйноқлиги, гоҳо дардчил оҳангларнинг қуюқлигини кўришимиз мумкин.

Машрабнинг кўпгина ғазал ва мухаммасларида:

**Дили тиғи ситамдин пора бўлган халқни кўрдум,
Тани дарду аламдин ёра бўлган халқни кўрдум.
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдум...**

каби халқ ғамига ошно бўлган шахснинг овозини эшитамиз.

Ёки Машрабнинг:

**Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин...
Токай мени бечораға бу дарду аламдур...**

каби мисралар билан бошловчи ғазалларида, гарчи ёлғиз шоир Машрабнинг дард-аламлари ифодаланган бўлса-да, аммо бу шеърларда халқ аҳволининг оғирлигидан нола чекиб, исён кўтариш яққол кўзга ташланиб туради. Машраб ижодида бир қатор шеърлар борки, уларда шоир жамиятнинг айрим юқори тоифасига мансуб, турли йўллар билан авом, меҳнаткаш халққа озор етказувчи шайх, мулла, хўжа, саид, бегу хонлар табақасини кескин танқид қилади. Чунончи, унинг қуйидаги парчаларида бу ҳолни яққол сезиш мумкин:

**Неча мулло илм ўқиб, роҳи шаётини топиб,
Чун ривобу ришвани ерлар ҳушдорлик билан.
Ростсўз айтсанг аларға зарра қилмаслар қабул,
Куфр айттинг, деб урарлар неча озорлик билан.**

Ёки:

**Дил туташди куфр ўтиға шайх ғавғосин кўруб,
Ул ситамгар ришвахўрлар зуҳд тақвосин кўруб,
Фақр элидин музд олур муфти таманносин кўруб,
Шармисор зуҳҳод элини халқини ямосини кўруб,
Бу тилимдин найлайин аччиқ садо пайдо бўлур.
Хўжа, сайёид, бегу хон, сардорлар бадкор эса,
Зулм тиғин тез этарда ҳар бири номдор эса,
Косалес каззоб шайхлар бу ватанда бор эса,
Мазлум эллар ингранишкин парча нонга зор эса,
Куфр элиға Машрабидек раҳнамо пайдо бўлур.**

Шоирнинг жамиятнинг турли табақалари, ҳатто бегу хонларни ҳам жасорат билан қаттиқ танқид қилиши уни мансурвор сиёсат дорига осилишига олиб келган сабаблардан биридир.

Машрабнинг ғазаланавий ишқий лирикаси ўзининг самимийлиги, услубий содда ва равонлиги, бадиий маҳоратининг юксаклиги билан ҳамон китобхонларни мафтун қилиб келмоқда. Ажойиб сўз устаси, жозибадор шеъриятн билан неча асрлардан бери дардли дилларни ром этиб келаётган Бобораҳим Машраб Ўрта Осиёдагина эмас, қатор Шарқ ўлкаларида ҳам маълум ва машҳурдир.

МУРАББАЪ

Булбулдайинким фарёд этарман,
Ишқ дафтарини бунёд этарман,
Кўнгулларимни мен шод этарман,
Ерга етар кун борму, ёронлар?
Ғам баҳри қилди мавжини бунёд,
Ишқингга қилдим юз оҳу фарёд,
Ўтти нигоним чун сарви озод,
Ерга етар кун борму, ёронлар?
Хажр аҳли келди тутти ёқамдин,
Бағримни тилғил пайкони ғамдим,
Минг доду фарёд ушбу ўлумдин,
Ерга етар кун борму, ёронлар?
Шамъи фироқинг кўксумда ёнди,
Кўз ёшим оқиб бағримга томди,
Ғафлатда қолган Машраб уёнда,
Ерга етар кун борму, ёронлар?

МАСНАВИЙ

Кўнглимни бердим бир бевафоға,
Куйди юрагим жабру жафоға.
Эй нозанинам, менга раҳм қил,
Қолдим сени деб юз минг балоға.
Торттим жафони роҳат кўрай деб,
Қилсанг жафолар йиғлай худоға.
Бемори ишқинг бўлдум нетарман,
Собир балоға, рози — қазоға.
Мижгонинг ўқи ўтти бу жондин,
Ногоҳ совуқ сўз тушди арога.
Машраб сени деб кечди жаҳондин,
Раҳм айламайсан муфлис гадоға.

* * *

Кўрсат жамолинг вастоналарға,
Ишқингда куйган парвоналарға.
Мендин дуодур, сендин ижобат,
Жоним тасаддуқ жононаларға.
Эй кўнгли қаттиғ, раҳм айламайсан,
Қилғил назар сен бечораларға.
Машраб сени деб кечти жаҳондин,
Бошини қўюб остоналарға.

Саҳифани ТошДД доценти, филология фанлари номзоди Ҳасанхўжа МУҲАММАДХЎЖА ЎҒЛИ тайёрлади.

Сингапур ҳам шерикчиликка келди

Ҳозирги вақтда Тошкент вилояти ҳудудида хорижий мамлакатлар билан биргаликда барпо этилган йигирмадан ортиқ қўшма корхона муваффақиятли ишлаб турибди. Яқинда вилоят Ҳокимлигида яна бир қўшма корхона — «УЗСИНГТЕКСТИЛЬ»ни тузиш тўғрисида таъсис шартномаси имзоланди.

Вилоят луб саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Сингапурдаги «Вандели Трейдинг Пте ЛТД» фирмаси корхонанинг асосчилари бўлишди. Бу фирма ишончли ишбилармон шерик сифатида катта обрў топган.

— Биз енгил фойда кетидан қуваётганимиз йўқ,— дейди фирма президенти жаноб Като.— Ўзбек ишбилармонлари билан узоқ муддатли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилмоқчимиз. Янгибозорда қўшма корхонани барпо этиш билан ягона бир мақсадни — сизнинг кишиларингизни янги техника ва замонавий япон технологияси асосида ишлашга ўргатишни назарда тутмоқдамиз. «Узсингтекстиль»да ишлаш ҳамма учун қувончли бўлади, бунга ишонаверинг.

— Жаноб Като, бу корхонада қандай моллар ишлаб чиқарилади?

— Аввало, ҳозирги вақтда сизнинг жумҳуриятингизда камёб бўлган тўқимачилик, трикотаж ва жун маҳсулотларини тайёрлаш йўлга қўйилади. Бу ерда аҳоли сони тез ошиб бормоқда ва биз болалар учун трикотаждан моллар ишлаб чиқаришга ҳаммадан ҳам кўпроқ эътибор бериш ниятимиз бор. Янгибозорнинг ўзида табиий ва сунъий калава ишлаб чиқарувчи қувватлар барпо этилади. Ўзбек шерикларимиз билан халқ истеъмоли моллари, техникавий мақсадлар учун ишлатиладиган буюмлар тайёрлаш устида ҳам ўйламоқдамиз. Бу соҳада бизнинг катта тажрибамиз бор ва биз уни ўзбекистонлик ҳамкасбларимизга ўргатишга тайёрмиз.

— Қўшма корхонада қанча миқдорда маҳсулот чиқарилади ва қаерларда сотилади?

— Ойига 39 минг дона буюм ишлаб чиқарилади. Бир йилда эса 462 минг донани ташкил этади. Маҳсулотнинг анчагина қисми жумҳурият бозорига чиқарилади. Яна бир қисми АҚШ, бошқа мамлакатларга жўнатилади. Қўшма корхона эса у буюмларни хорижда сотиб валюта ишлайди. Валюта эса ҳозирги кунда жумҳурият учун ниҳоятда зарур. Қўшма ишлаб чиқариш 800 нафарга яқин кишини иш билан ва иш ҳақи билан таъминлаш имконини беради. Бу меҳнатга қобилиятли кишилар кўп бўлган ноҳия учун ниҳоятда муҳимдир.

— Дастлабки маҳсулотлар дўконларимиз пештахталарида қачон пайдо бўлади?

— Биз корхонани шу йил давомида ишга тушириш мумкин, деб ҳисоблаймиз ва бу масалада луб саноати раҳбарлиги билан фикримиз бир. Бизнинг фирмамиз технологияни, ноу-хауни, монтаж, ёрдамчи монтаж ишларини амалга оширади ва асбоб-ускуналарни ишга туширади. Кейинчалик уларни эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар билан таъминлайди.

— Ишчиларни ўқитиш вазифасини ким зиммасига олган?

— Бу вазифани биз зиммамизга олганмиз. «Узсингтекстиль» жумҳуриятингиз учун янги турдаги, замонавий, жуда яхши жиҳозланган корхонадир. Шунинг учун ҳам туб аҳолидан мутахассислар тайёрлаймиз. Албатта, бу мураккаб, лекин зарур ишдир.

М. ҚОДИРОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Бу ахборотнинг аҳамияти каттадир. Пойтахт Тошкент вилояти чет эл фирмалари ва компанияларини тобора кўпроқ қизиқтирмоқда. Биз буни Туркия, Покистон, Ҳиндистон мисолида кўришга ўрганиб қолган эдик. Эндиликда Сингапур ҳам улар сафига қўшилди. Бу мамлакатнинг илмий-техникавий имкониятлари жуда юксакдир. Бу ерда шу нарса муҳимки, вилоят ҳокимияти биринчи навбатда маҳаллий аҳоли, қўшимча ишчи ўринлари яратиш, ишсизликдан ҳалос қилиш тўғрисида қайғурмоқда. Бошқа иқтисодий вазифа ҳам ҳал қилинмоқда: ички бозор сифатли, камёб моллар билан тўлдирилмоқда. Хорижий шериклар учун ҳам, шунингдек Тошкент вилояти учун ҳам ўзаро фойдали бўлган бундай ҳамкорлик бундан буён ҳам ривожланиб боради. Бу, албатта, яхши самара беради.

АМЕРИКАЛИК ПРОФЕССОРНИНГ МАЪРУЗАСИ

Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институти қошидаги ишбилармонлик миллий дорилфунунида ўқиш ишбилармонларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий савиясини оширишга қаратилган. Ҳозир бу ерда навбатдаги «Халқаро менежмент» курсида машғулотлар кетмоқда.

Дорилфунунда машғулотлар ишбилармонликнинг обрўси ва ижтимоий моҳиятини ошириш шарт-шароитлари, ватанпарварлик туйғуларини ўстириш, фуқаролик мавқеини оширишга қаратилган. Суҳбат ва машғулотларни атоқли олимлар, бозор иқтисодиёти шароитида иш олиб бораётган йирик мутахассислар олиб боradилар. Бунга Москва ва Санкт-Петербургдан ва ҳатто АҚШ, Англиядан ҳам йирик олим ва тажрибали мутахассислар таклиф қилинадилар.

«Ташқи иқтисодий фаолиятда ўзаро алоқанинг руҳий томонлари» деб номланган маърузани Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг доценти, руҳият фанлари номзоди М. В. Волкова ўқиди. Маъруза номининг ўзидан республика учун янги бўлган иқтисодий тузилишда ишлашга бел боғлаган тингловчиларга қандай хилма-хил масалалар ва муаммоларни ўрганишга тўғри келиши кўриниб турибди. Улар ташқи иқтисодий фаолиятдаги бошқарув ислоҳотининг асослари, ташқи иқтисодий муаммоларнинг ҳуқуқан тартибга солиниши, халқаро ҳисоб-китоблар ва ташқи иқтисодий фаолиятни молиявий таъминлаш экспортга чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини ва рақобатлилигини ошириш масалалари ва бошқалар билан шуғулланадилар.

Москва Халқаро алоқалар давлат олийгоҳининг доценти О. Б. Ломакинанинг маърузалари савдо ва воситачилик фаолиятига, ташқи иқтисодий муомалаларни ташкил қилиш ва унинг техникасига бағишланган эди. Тошкент молия олийгоҳининг профессори М. С. Ангелиди тижорат банклари ва улар билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш, ишбилармонлар ва банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар тўғрисида лўнда ва ишончли қилиб гапириб берди. Саноат-савдо уйининг етакчи мутахассиси Э. Л. Угрюмова ишбилармонликнинг асосларига бағишланган «Бозор иқтисодиёти. Бозор шароитида бошқарув», «Менежментлик асослари, менежментликнинг фан сифатидаги ривожланиши» ва бошқа мавзуларда маърузалар қилди.

«Срадазэлектроаппарат» заводининг бош директори А. А. Олимбоевнинг «Ишлаб чиқаришни бошқарув» мавзуидаги маърузаси ва заводга бориб, унинг ишлаб чиқариши, маҳсулоти, цехлари билан батафсил таниширишни тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

АҚШнинг Шимолий Каролина штатидаги дорилфунун профессори Керол Сероснинг халқаро маркетингга бағишланган маърузалари зўр қизиқиш билан тингланди. Ўз компаниясига эга бўлган Керол Серос бозорни илмий жиҳатдан текшириш учун Токио ва Норвегияда бўлди, жаҳоннинг 60 мамлакати атоқли намоёндалари билан бозор иқтисодиёти масалалари бўйича савол-жавоб ўтказди. МДҲдаги ишбилармонликнинг турли томонлари бўйича тингловчилар томонидан берилган саволларга жавоб бературиб, у ўзи ҳам бозор муносабатлари шаклланаётган Ўзбекистон Республикаси ҳаётига катта қизиқиш билан қараётганлигини айтди. Унинг маърузаларини «Акционерлик. Қимматбаҳо қоғозлар билан муомалалар», «Ташқи иқтисодий алоқалар ва уларни амалга ошириш тажрибаси» курсларининг тингловчилари ҳам катта қизиқиш билан тингладилар.

Тингловчилар яна «Божхона қонунчилигининг асослари», «Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг ташқи иқтисодий фаолиятини назорат қилиш» мавзуларида маърузалар тинглайдилар. Буларни Ўзбекистон Республикаси Божхона бошқармасининг раҳбарлари ўқийдилар. Компьютерларда «Биржа савдолари», «Фьюгер биржалари», «Фонд биржаси», «Валюта биржаси» мавзуларида ишбилармонлик ўйинлари ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, халқаро менежмент, ташқи иқтисодий фаолият бўйича маърузалар бўлиб, буларда асосан Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятининг тузилишига эътибор берилади.

Курсни тугатганларга белгиланган гувоҳнома ва сертификатлар топширилади.

Расул ҲОШИМОВ,
мазкур дорилфунун менежери.

● РЎЗНОМАГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

КЎПЧИЛИКНИНГ ДИЛИДАГИ ГАП

Мен «Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг 12 май сонида чоп этилган «Саҳоват» журналининг катта муҳаррири Шуҳрат Муродовнинг «Болалар нафақаси нега оширилмаяпти?» номли мактубидаги фикрларга тўла қўшиламан. У ҳар бир болалик аёлнинг дилидаги гапни бўлса керак. Чунки ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида менимча, аввало болалик аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш зарур. Ахир болаларнинг кийим-кечагидан тортиб, оёқ кийимигача қимматлашиб кетди. Шундай экан, нафақа ҳам оширилиши зарур. Ҳозирги пайтда ҳар ойга берилаётган 80 сўм озлик қилаяпти. Болаларнинг нафақаси оширилса ва болалик аёлларга имтиёзлар яратилса нур устига аъло нур бўлур эди.

Д. САМИҒОВА,
Тошкент шаҳри.

ЧОЙХОНА ОЧИЛДИ

Сўнгги пайтларда кишилар Оҳангаронда чойхоналарининг камайиб бораётганидан жиддий ташвишга тушаётган эдилар. Бир вақтлар район марказининг ўзида ўнга яқин чойхона куну-тун ишлаб турганини кекса авлод вакиллари ҳанузгача эслайдилар.

— Биз ҳам ана шу удумни тиклашга ҳаракат қилямиз,— дейди ўз маблағи ҳисобига янги, бежирим чойхона биносини қурдириб иш бошлаган Абдукарим Сангилов.— Бинонинг лойиҳасини Хўжанд вилоятидан келтирдик. Унда ортиқча ҳашам йўқ. Асосий саҳн чойхўрлар ҳамда хўрандаларга мўлжалланган. Яқин кунларда бу ерда тайёрланаётган таомлар турини ҳам оширамиз.

Янги чойхонада ака-ука Абдукарим ва Алижон Сангиловлар чойхўрларга хизмат кўрсатишмоқда. Ширинсўз, хуштакаллуф бу чақкон йигитлар дастлабки кунларданоқ хўранда ва чойхўрларнинг ҳурматини қозонишмоқда.

М. ҚАЮМОВ.

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР РУҲИДА

Ўқувчи-ёшларни шарқона урф-одатлар асосида тарбиялаш муҳим маърифий аҳамиятга эгадир. Халқимизнинг қадриятлари, ижод дурдоналари, расм-русумлари билан ошно қилиш мақсадида болалар боғчаларида ҳам тарбиявий ишлар кенг йўлга қўйилмоқда. Буни Зангиота районидаги «Қувончч» болалар боғчаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Машҳур олим ва маърифатпарвар инсон Абдулла Авлоний педагогик мероси бу ерда олиб борилаётган тарбиявий ишларда қўл келмоқда. Кичкинтойлар билан уюштирилаётган мусиқавий соатларда ҳам ана шу анъаналарга амал қилинмоқда. Шунингдек, амалий санъат намуналари воситасида эстетик тарбия беришга киришилди.

Бошланган ишнинг натижаси кўнгилдагидек бўлмоқда. Энг муҳими, болаларимизда миллий маданиятимизга меҳр уйғотилиб, уларнинг бу ҳақдаги тушунчалари бойиб бормоқда.

С. ОДИЛОВА.

ҚОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ШИРКАТЛАР, ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ХУСУСИЙ ШАХСЛАР ВА ФУҚАРОЛАР

ДИҚҚАТИГА! «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

РУЗНОМАСИ СИЗЛАРНИНГ БУЮРТМАНГИЗГА БИНОАН ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАРНИ ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА ЧОП ЭТАДИ.

АГАР СИЗ

● ўз маҳсулотингизни харидоргир бўлишини;

● ўқув юртингизга қабул ҳақидаги билдирувни, турли хил танловлар ўтказишни режалаштирган;

● хўжалигингизга бирор нима сотиб олмоқчи ва сотмоқчи бўлсангиз;

● қимматбаҳо буюмингизни, ҳужжатларингизни йўқотиб қўйган ёки бошқа шахснинг буюмларини топиб олган бўлсангиз;

● касбингиз, ҳунарингиз тақозосига кўра хизмат кўрсатишни хоҳласангиз ва шундай хизматларга ўзингиз муҳтож бўлсангиз;

● уйингизни бошқа вилоят, ноҳия, шаҳарга алмаштирмоқчи бўлсангиз ва бошқа хил эълон-билдиришларга зарурат туғилса унда ҳеч иккиланмай тўппа-тўғри

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га

МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

Сизларнинг эълон ва билдирувларингизни қисқа муддатларда чоп этамиз ҳамда Сиз кўзлаган мақсад ва манфаатларни минглаб одамларга дарҳол етказамиз.

ШУНИНГДЕК

● яқин кишиларингизнинг туғилган куни, «олтин» ва «кумуш» тўйлар, юбилейлари муносабатлари билан табрикламоқчи;

● фарзандингизга, ота-онангизга қувонч улашмоқчи ёки уларни қутлаб сурати ва чизилган расми билан чоп эттирмоқчи;

● маҳаллангиз, қишлоғингиздаги, ўзингиз меҳнат қилаётган жамоадаги биродарингиз, қариндош-уруғингиз, яқин танишларингиз вафоти муносабати билан таъзияномa беришни истасангиз

БИЗ ДОИМО ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ!

Рўзнома таҳририяти Сизларга яқиндан ёрдам беришга қолмай, хизматимизни кўнгилдагидек бажаришга ва бошқа нашрларга нисбатан кам ҳақ олиш кафолатини берадилар.

«Тошкент ҳақиқати» ҳар куни барча ташкилот ва корхоналардан, алоҳида шахслардан зудлик билан чоп этиладиган эълонларни қабул қилиб олади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават. 747-хона.

Маълумотлар учун телефонлар: 33-99-15, 32-55-56, 33-40-48, 32-57-67, 32-53-51.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

Суғурта ўрнини тўлдириш 15000 сўмгача!
Суғурта бадали - 3 сўм!
Катталарнинг ҳамроҳлигида кетаётган, 5 ёшгача бўлган болалар, суғурта бадалини тўламаса ҳам «суғурта қилинган ҳисобланади

ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ
СИЗ БИЛАН РЎЙ БЕРАДИГАН
ЙЎЛДАГИ БАРЧА ҲОДИСАЛАР УЧУН
ЖАВОБГАРЛИКНИ
ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛАДИ!

САФАРГА ЧИҚҚАН ЙЎЛОВЧИЛАРНИ КЎНГИЛЛИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

Сиз уни МДҲ ҳудудларида ёки Ўзбекистон бўйлаб йўловчи ташийдиган вилоятлараро қатновчи ҳар қандай транспортига сафар олдидан бевосита чипта хоналардан чипта сотиб олиш вақтида ёки суғурта агенти билан тузишингиз мумкин.

Тошкент вилоят суғурта бошқармаси.
"ЭРА" реклама агентлиги.

Тошкент шаҳар Шайхантоҳур (собиқ Октябрь) районидаги 41-ўрта мактаб томонидан Қосимова Мавлуда Мавлоновна номига берилган № 143927 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МУРҒАК ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ТОПИБ...

ҲА, уларнинг иши балоғатга етмаганлар орасида тарбияси бузилганларни тарбиялаш. Фақат Акмал Икромов район Ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси бўлимида бу соҳа билан 20 дан зиёд милиция ходими шуғулланади. Ҳозирда уларнинг «қарамоғида» 250 дан зиёд йигит-қиз бор.

— Абдуназар Бойхўрозович, суҳбатимизни ҳаммамизни ташвишга солаётган, ўйлантираётган муаммодан, яъни гапнинг индаллосидан бошласак...

— Майли, мен розиман.

— Фақат сиз хизмат қилаётган ноҳиядагина эмас, балки шаҳар, вилоят, умуман, жумҳуриятимизда вояга етмаган ўсмирлар ўртасида жиноятчилик яъни майда ўғрилик, йўлтўсарлик, безорилик, ножўя ишларга мойиллик кундан-кун кўпайиб бораяпти. Бу — ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Ана шу кўнгилсиз ҳолларни камайтириш, умуман, уни йўқ қилиш учун қандай чора-тадбирларни қўллаш мумкин?

— Биласизми, менимча, бунинг боиси — жамиятимиз ярасининг газак олишида мен, энг аввало, одамларимизнинг БЕФАРҚ бўлиб қолганлигида, деб ўйлайман. Саволингизга савол билан мурожаат қилсам, мени маъзур тутасиз. Мана, сиз ўқимишли, тушунган, зиёли одамсиз. Ишдан ёки навбатчиликдан уйингизга кеч қайтяпсиз. Кўчангизда аллақандай беш-олти ўспирин тўпланиб турибди деб фараз қилайлик. Вақт ҳам кеч бўлиб қолган. Хўш, қани айтингчи, сиз ўша йигитчаларнинг бемаҳалда нима қилиб турганини сўраб-суриштириб, сўнг уй-уйларига киритиб юборасизми? Ёки йўқми? Жавоб беришга шошилманг. Ана шундай воқеаларнинг гувоҳи бўлган ўн кишининг тўққизтаси, имонимни ўртага қўйиб айтаманки, бефарқ бўлиб ўтиб кетаверади. Ваҳоланки, ўша бекорчилардан безорилик келиб чиқади. Аввало, бемаҳалда кўча санғитиб қўйган ўша ўспиринларнинг ота-онаси айбдор бунинг учун. Қолаверса, сиз билан биз ҳам айбдормиз.

— Биласизми, — суҳбатга қўшилди катта назоратчи Акмал Одилов,— хизмат бурчимиз туфайли райондаги ҳамма мактабларда, маҳаллаларда тез-тез бўлиб турамиз. Фарзандларимиз тарбияси бузилиб бораётганлиги, албатта, бизни жиддий ташвишга солмоқда. Мана, айтайлик, бир мактабнинг юқори синф ўқувчиларининг муаллими бирор сабаб билан ишга келмай қолди. Болаларнинг вақти бўш ўтгани майлику-я, лекин улар кейинги дарсни ҳам ўйламай, кинога жўнаб қоладилар. Ёки, нари борса, мактабнинг орқа ҳовлисига ўтиб, папирос чекишади, ёинки ўткинчи қизларга гап отишади. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Тўғри, кейинги пайтларда айрим мактабларда «Одобнома» соатлари жорий қилинганлиги жуда тўғри иш бўлди. Менимча, бундай сабоқ дарсларини кўпайтириш лозим. Яна менинг шахсий бир мулоҳазам бор. Такрорлайман, шахсий фикрим. Буни ким қандай қабул қилади, билмайман. Ўқувчиларни, айниқса, юқори синф ўқувчиларини ажратиб, яъни қизларни алоҳида, ўғил болаларни алоҳида ўқитиш керак. Бу, энг аввало, сўзсиз одобга, сўнгра мураббийлар учун ўқувчилар билан дилдан, ошкора гаплашишга имкон берармиди, ҳар ҳолда зараридан фойдаси кўпроқ бўларди, деб ўйлайман.

— Тарбия бериш учун, аввало, ота-онанинг ўзи тарбияли бўлмоғи даркор,— суҳбатни давом эттирди А. Шералиев,— Лекин минг афсус ва надоматлар бўлсинки, ота-она деган улуғ номга нолойиқ одамлар кам бўлса ҳам учраб туради. Мисол учун Чилонзордаги 21 даҳа 1-А уй, 48-квартирада истиқомат қилувчи Татьяна Кирилова бир-биридан ширин фарзандларининг тарбияси билан шуғулланиш ўрнига ўзи тез-тез маст бўлиб, оғзидан шоди кириб, боди чиқса, тарбия ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Ёки шу даҳа 5-уй, 31-квартирада истиқомат қилувчи Тимофеевлар оиласи бошлиқларининг ўзи тарбияга муҳтожлигини айтиб ўтмоқчиман.



Жойларда маҳалла фаоллари, мактаб жамоалари, жамоатчилик билан биргаликда балоғат ёшига етмаганлар ўртасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда, содир этилиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолларнинг олдини олишда бўлинмамизнинг ишчан ходимларидан катта назоратчи Норқул Раҳмонов, назоратчилардан Тўхтасин Шаропов, Шакарбой Мухторов, Убайдулла Бозорбоевларнинг хизматларини таъкидлаб ўтишни истардим.

Районимизда бизнинг назоратда бўлган 250 дан зиёд вояга етмаганларнинг кўпчилиги етим болалардир. Ё отаси ташлаб кетган, ё нафот этган. Ёлғиз оналар аҳволини тушунамиз, ишлаш, болаларни кийинтириш, едириш-ичириш керак. Биласизми, шу ўринда мен бир болага етти қўшни ота-она деган мақолни келтирмоқчи эдим. Сиз билан биз ана шундай оилаларга эътиборни, меҳрни, одамийликни кучайтиришимиз зарур. Афсуски, яна такрор бўлса ҳам, бефарқлигимизни айтиб ўтмоқчиман.

— Яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман,— деди суҳбатга якун ясар экан Абдуназар Шералиев,— айтайлик, бирор кимсанинг фарзанди бебошлик қилиб қўйди. Эшигидан милиция ходими кириб борса, ноҳуш кутиб олишади. Биз буни тушунамиз, лекин мақсадимизнинг бегараз, виждоний эканлигини айтиб ўтмоқчиман. Ана шундай хонадонларга фарзандлар тарбиясини изга солишда кўмаклашиш, келажакда содир этилиши мумкин бўлган турли катта жиноятларнинг олдини олиш бизнинг асосий ва бош мақсадимиздир.

— Бу ташвишли ва олийжаноб ишда Сиз бошчилик қилаётган бўлинма назоратчи ходимларига куч-қувват тилайман.

— Раҳмат.

Суҳбатдош
Ш. УМУРЗОҚОВ.

Суратда: А. Шералиев балоғатга етмаганлар даврасида.

Р. АЛЬБЕКОВ суратя.

• СПОРТ •

Халқаро турнирда иккинчи

ПРАГАДА юз катакли шашка бўйича йирик халқаро турнир ниҳоясига етди. Унда Россия, Украина, Беларусь, Ўзбекистон, Латвия, Литва, Эстония, Франция, Германия, Италия, Голландия, Польша, Чехо-Словакия мамлакатларининг 50 дан зиёд халқаро спорт усталари ва кучли шашкачилар иштирок этди.

14 имкониятдан 12 очко тўплаган қозонлик халқаро спорт устаси Альберт Оксанов турнирнинг бош совриндори бўлди. Тошкентлик йигирма уч ёшли Михаил Шабшай 10 очко билан иккинчи — мукофотли ўринни эгаллади. Бу шашка ихлосманди ва жонкуяри республика касаба уюшмалари шахмат-шашка клубига раҳбарлик қилиш билан бирга ўзи ҳам йирик мусобақаларда Ўзбекистон спорт шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.

И. БИРБРАГЕР,
спорт устаси

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 33-58-85, 32-57-47, 33-79-16, 32-57-48; масъул котиб — 33-48-08, 32-53-53; масъул котиб ўринбосари — 32-57-49, Бўлимлар: шўродлар ҳаёти — 33-70-10, 32-57-78; қишлоқ хўжалиги — 32-55-53; саноат, қурилиш ва транспорт — 32-57-49, 33-70-10; ижтимоий масалалар — 32-56-47, 33-40-48; адабиёт ва санъат — 32-57-33; маданият ва миллий қадриятлар — 32-56-45; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 32-55-56, 33-99-15; хатлар ва оммавий ишлар — 33-40-48, 32-56-47; тижорат бўлими — 32-55-56, 33-99-15; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 33-40-48; эълонлар — 32-56-66.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г — 131. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.00. 31646 нусха босилади.